Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 11 (9247). • 1988 йил 15 январь • жума • Баҳоси 3 тийин.

● ПОЙТАХТНИНГ «Комфорт» мебель ва ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларининг турлари тобора ортиб бормоқда. Яқинда ана шундай маҳсулотлардан бири — чиройли расмлар билан безатилган металл қутичалар тайёрлаш ўзлаштирилди. Қутичалар сочилувчан маҳсулотларни сақлашда жуда қўл келади. Бундан ташқари ўзининг чиройли кўриниши билан дид билан жиҳозланган ошхонангизга файз киритади. Суратда: корхона «Металлография» цехи ишчилари А. Куликов ва Г. Сагитдиновлар уларга безак бериш жараёнини олиб бормоқдалар.

Р. Шарипов фотоси.

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

ДАВЛАТ ҚАБУЛИ АМАЛДА

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бир вақтлар тармоқдаги социалистик мусобақада ғолиб чиқар, Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги кўчма қизил байроқларни ҳам олар эди. Кейинги икки йил ичида эса аҳвол тубдан ўзгарди. Корхона кўпинча давлат планларини бажара олмайдиган бўлиб қолди. Коллектив олдингига қараганда ёмон ишламоқда? Йўқ, ундай деб бўлмайди. Аввалгидек ишламоқда. Бироқ янги давр янги вазифаларни олдинга сурди. Ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларига бўлган талаб кескин ортди. Қайта қуриш нафаси бирлашмага ҳамма урди. Шундай шароитда эскича ишлаш мумкин бўлмай қолди.

Илгари тайёрланган барча маҳсулот сифати фақат техника назорати бўлими орқали текшириларди. Албатта, бу бўлим номигагина ишлаяпти, деб бўлмасди. Назорат бракни, сифатсиз маҳсулотни ҳам аниқларди. Бироқ бу арзимаган миқдорда, майда-чуйда нуқсонлар бўларди. Нима учун шундай эди? Чунки техника контроли бўлими бевосита заводнинг ўзига қарашли ташкилот эди. Шу янгилик ҳам ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксак бўлиб, планлар ой сайин тўла ва ошириб бажариларди. Қисқаси ҳамма нарса жойидагидек эди.

Бироқ идорадан ташқари орган — давлат қабули жорий қилингач, у бракка мустаҳкам тўсиқ қўйди. Бундай шароитда раҳбар ходимларнинг тазъйиқи ҳам таъсир эта олмади. Чунки давлат қабули корхона раҳбарлигига бўйсинмайдиган мустақил ташкилот эди. Шу янгилик туфайли бирлашма коллективининг иш кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайиб кетди. У тундаги прожектор каби заводда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатидаги барча нуқсонларни очиқ-ойдин очиб ташлади.

Давлат қабули фақат тайёр маҳсулотнинг сифатини текшириш билан чекланмаяпти. Унинг вакиллари барча ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишга, технология режимига қандай амал қилинаётганлигини текширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бизнингча, бу жуда тўғри. Чунки ҳар бир трактор йиғиш учун кетадиган юзлаб, минглаб деталларнинг тайёрланишини сифатли бўлишида гап кўп. Улар кўнгилдагидек бўлса, трактор ҳам соз бўлади.

Давлат қабули вакиллари корхона ишчи хизматчилари билан ҳамкорликда маҳсулот сифатининг яхши бўлиши ҳақида қайғураётганликларини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар цехлар ва участкаларда бўлиб, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётган жараёнларни аниқламоқдалар ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, 1986 йилда давлат қабули вакиллари тавсияси билан барча цехларда тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 436 та тадбир ишлаб чиқилди. Афсуски, бу тадбирларнинг ҳаммаси ҳам амалга оширилмади. Бунинг асосий сабаби цехлар ва корхоналар раҳбарларининг бу муҳим масалага етарли эътибор бермаганликларидадир. Ваҳоланки, коллектив ишнинг сифат кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмаслигидан ҳамон муайян даражада зарар кўрмоқда. Ўша йили белгиланган тадбирларнинг 112 таси амалга ошмай қолди.

Бундай ҳолат ўтган йили ҳам давом этди. Давлат қабули вакилларининг қуйидипишдилиги туфайли бракни камайтиришга ёрдам берадиган 250 га яқин тадбир ишлаб чиқилди. Бироқ уларнинг деярли ярми амалга ошмай қолди. Бунинг объектив сабаблари бўлса майли эди-я. Асосан раҳбарларнинг бефарқлиги туфайли шундай аҳвол юз берди.

Албатта шундай шароитларда давлат қабули вакилларининг ишлаши анча мушкуллашади. Лекин улар зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажармоқдаларки, бу таҳсинга сазовор. Давлат қабулининг катта вакили Л. Цой, вакиллардан Б. Симонянц, Э. Халилов, Б. Омонов, А. Маҳмудов, Н. Цой ва кўпгина бошқалар ҳақида фақат илиқ сўзларни айтиш мумкин. Ўзларини тиниб-тинчимасликлари билан ҳар бир иш жойида сифат кўрсаткичларининг ошишига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЖАДАЛ ҚУРИШМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ 225-УНР коллективи ўтган хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлаган эди. Бинокорлар юбилей йилида ҳар қачонгидан тез ва соз ишлашди. Ўнлаб объектларни бунёд этилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Илғор иш усулларини қўлланиш, мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш туфайли доим вақтдан ўзиб меҳнат қилдилар. Шунинг учун ҳам йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини барвақт уддаладилар. Қўшимча 600 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар, уй-жойлар, турли-туман маданий-маиший муассасалар қурилишида қатнашдилар. Шуниси таҳсинга сазоворки, пландан ташқари амалга оширилган иш ҳажми фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Унинг ўсиши 5 процентни ташкил этди.

Меҳнатсевар коллектив ўн иккинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли бошлади. Барча объектларда ишлар жадал бормоқда. Кўпгина бригадалар топшириқларни ортиғи билан адо этишяпти. Айниқса, Б. Наврўзов, Ф. Белялов, А. Дўстовлар раҳбарлигидаги коллективларнинг меҳнат ютуқлари салмоқли бўлаяпти. Улар ҳар куни топшириқни 130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Э. РИЖИКОВА.

Мусобақа кундалиги

400 та ЯНГИ МОДЕЛ

ТОШКЕНТДАГИ чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш қатори унинг ассортиментини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда турли хил кўргазмалар ташкил этилиб, савдо тармоқлари ходимлари ва харидорларнинг талаблари ўрганиляпти. Уларга манзур бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Кейинги вақтда бирлашмада тўрт юздан ортиқ янги маҳсулот моделлари ишлаб чиқилди. Бу ишда бирлашманинг марказий лабораторияси коллективининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Уларнинг ижодий изланиши туфайли кўплаб ишлаб чиқарилаётган турли хил сумкалар, чемоданлар, қўлқоплар ва бошқа маҳсулотлар магазинларнинг пештахталарида туриб қолмаяпти. Ҳозирги вақтда 250 хилдан ортиқ моделдаги чарм-галантерея ва спорт товарлари тайёрланмоқда.

Уларнинг 95 процентини «Янгилик» индекси билан чиқарилган, 70 процентини эса ўта замонавий товарлар ташкил этмоқда. Бунинг учун марказий лабораторияда махсус потоклар ташкил этилган. Уларда янги маҳсулот турлари кам серияли тайёрланади. Бундан мақсад харидорларнинг талабини ўрганишдир. Агар янги маҳсулот уларга манзур бўлса, кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

●

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

ҒАЛАБА район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида ўз касбининг моҳирлари ҳисобланган чеварлар анчагина бор. Роза Огай шундай илғорларнинг бири. У ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери меҳнаткашлар хизматида. Уларнинг буюртмалари бўйича турли хил кийим-кечакларни тикиб беради. Меҳнат фаолияти давомида мижозларнинг бирортаси ҳам тиккан буюмини ташлаб кетмаган. Бу камдан-кам чеварларда бўлади.

Ўз касбининг моҳири топшириқларни доим ортиғи билан бажариб келаяпти. Ҳар ойда 350 сўмлик хизмат кўрсатади. Касбини ёш чеварларга қунт билан ўргатишда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Унинг таълимини олган Зина Сеферова, Татьяна Нам сингари тикувчилар шу кунларда устоздан қолишмай ишлашяпти. Улар тиккан либослар ҳам буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Ҳ. ЗОКИРОВА.

●

ҲОСИЛ БАРАКАСИ

ШУ КУНЛАРДА Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозда кузги-қишки дала ишлари тугалланиш арафасида турибди. Ҳозиргача мавжуд 2146 гектар майдоннинг 856 гектари текисланиб, мелиорация ҳолати яхшиланди.

Шунингдек, хўжаликда тузилган ўғит жамғарувчи отряд аъзолари ҳар куни далаларга 50—60 тоннадан зиёд гўнг ташиб чиқаришмоқда. Қ. Қуролов, С. Йўлдошев, А. Холмирзаев сингари тракторчи ва шоферлар ҳамкасблари ўртасидаги мусобақада пешқадамлардан. Улар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб адо этишаётир. Отряд аъзолари шу кунгача дала бошига 3,5 минг тоннадан зиёд ўғит жамғариб қўйдилар.

Н. ХУЖАҚУЛОВА.

• КОЛХОЗЛАРДА ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ •

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАШАББУС САМАРАЛАРИ

РАИС йиғилишни ўтказишга тайёргарлик жараёнида ҳар бир бригадада, гаражда, шунингдек, фермада бўлиб одамлар билан дилдан, очиқчасига суҳбатлашди. У суҳбатларда қуйидаги гапларни ўртага ташлади: партиямиз ҳар бир коллективга ўзини-ўзи эплаш, хўжалик ҳисоби асосида ишлаб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш вазифасини қўймоқда. Хўжалигимиз ҳам эртамикечми ана шу усулда ишлашга — маъмурий бошқарувдан иқтисодий бошқарувга ўтиши тайин. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди. Модомики, шундай экан, эндиликда ҳар биримиз ҳисобкитоб билан иш юритишимиз керак. Кўпроқ фойда олиш йўлларини излашимиз зарур. Акс ҳолда замон талабларидан орқада қоламиз. Бу вазифа ҳар бир колхозчи, ҳар бир мутахассис, айниқса, ўрта бўғин кадрлари зиммасига катта масъулият юклайди.

...Ҳамма унинг фикрини қўллаб-қувватларди. Одамларнинг истак, таклиф, танқидий мулоҳазалари колхоз раиси Сиддиқ Муҳаммаджоновнинг ҳисобот докладида тўла ўз аксини топди.

Раис ҳисоботни янгича тузганди. У ҳар бир бригада коллективи ишига, бригадирнинг фаолиятига алоҳида-алоҳида тўхталди. Улар амалга ошираётган ишларни иқтисодий таҳлил қилиб берди. Қайта қуриш ишларига кимнинг қандай ҳисса қўшиши кўпроқ бригадирнинг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги, талабчанлиги, шахсий ибрати ва маҳоратига боғлиқдир. Агар у ўзида бундай фазилатларни мужассамлаштирган бўлса, шунда кўпчилик унга эргашади.

Учинчи бригада бошлиғи Маҳаммаджон Холматов, иккинчи бригада бошлиғи Иброҳим Нурхожиев ўртоқлар ана шундай ташкилотчилардан ҳисобланадилар.

Холматов бошлиқ бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 175 центнердан узум олди. Планни анча ошириб бажарди. Бригадада 360 тоннага яқин сабзавот етиштирилди. Бригадада даромад олиш плани ҳам оширилди. Бу коллектив мўлжалдаги 250 минг сўм ўрнига 331,6 минг сўм фойда олди.

Лекин, ҳамма оилавий пудратчилар ҳам бир хилда ишламадилар. Уларнинг кўплари шартномадаги кўрсатилган миқдорда узум топшира олмадилар. Бу камомад 61,3 тоннани ташкил этди. Агарда бу камомад бўлмаганида, шунингдек, 47 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 20 тоннадан узум олинганда эди ялпи ҳосил 940 тоннага етарди. Ҳар бир килограмм узум 50 тийиндан сотилганида даромад килот эди. Ўз кишилари бўлгани учун келишиш қийин бўлмасди.

Энг муҳими айрим лавозимдаги раҳбарларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиб, бўлимга таъсир ўтказиши авж олиб кетган эди. Бундай ҳолда бўлим ҳатто брак маҳсулотни ҳам ўтказиб юборарди. Шунинг учун бир мисол. Ҳар йили бригадалар қўлига технологик карта топширилади. Бу карта — бригаданинг иқтисодий ойнаси десак бўлади. Унда бригадага бир йил учун қанча маблағ ажратилганлиги, маош фонди ва бошқа сарф-харажатлар учун ажратилган маблағ кўрсатиб қўйилади. Агар бригадир ана шу карта асосида иш олиб борса, вақти-вақти билан қилинаётган сарф-харажатларнинг ҳисоби чиқарилиб турса иш осон кўчади. Лекин афсуски, улар бундан эринишади. Оқибатда ўзлари истамаган ҳолда харажатнинг кўпайиб кетишига, маҳсулот таннархининг қиматлашишига сабабчи бўладилар. Бунинг натижасида талайгина имкониятлар, резервлар фойдаланилмасдан қолиб кетади.

...КОЛХОЗ ишлаб чиқаришида теплица маҳсулотлари салмоқли ўринни эгаллайди. Бу тармоқ деҳқонлари ўтган йили салкам 1,5 минг тонна сабзавот етиштириб планни ошириб бажардилар. Ойнаванд майдонларда ҳар бир квадрат ердан ўртача 21,7 килограммдан, плёнкали теплицадан 10 килограммдан ҳосил олинди. Давлатга 21 тонна лимон етказиб берилди ва план 140 процент бажарилди. Шундай қилиб теплица хўжалиги колхозга 601 минг сўмдан ортиқ соф фойда келтирди. Рентабеллик 58,3 процентни ташкил этди. Лекин бу чегарами?

— Йўқ,— деди теплица хўжалиги ишчиси Салима Абдураимова. Мана қаранг: биз ҳар куни эрталаб барвақт ишга келиб, оқ пашшага қарши қўл билан курашамиз. Ҳар бир туп помидордан қўлимиз билан оқ пашша уруғини териб оламиз. Бунга кам деганда икки соат вақт кетади. Ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, олимларимиз бу зараркунанданинг кушандасини топиша олмаса. Бундан икки йил илгари биолаборатория қурилиши бошланганида, ҳайрият энди давоси топиларкан, деб хурсанд бўлган эдик. Лекин қурилиш бошланди-ю ташлаб қўйилди. Ҳалигача битишдан дарак йўқ. Буни қандай тушуниш керак?

Салиманинг куюниб гапираётгани бежиз эмасди. Чунки ҳисоб-китобларга қараганда оқ пашшани йўқотиш чораси кўрилса, умумий маҳсулот миқдори 1800—2000 тоннага кўтарилиши мумкин. Ўз навбатида даромад ҳам икки миллион сўмдан ошиши турган гап.

Ҳисобот йиғилишида чорвачиликдаги аҳвол ҳам пухта таҳлил этилди. Ҳар йили соғин сигирлардан 3500 тонна сабзавот етиштириб планни бажардик. Унинг вакиллари барча ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишга, технология режимига қандай амал қилинаётганлигини текширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бизнингча, бу жуда тўғри. Чунки ҳар бир трактор йиғиш учун кетадиган юзлаб, минглаб деталларнинг тайёрланишини сифатли бўлишида гап кўп. Улар кўнгилдагидек бўлса, трактор ҳам соз бўлади.

Давлат қабули вакиллари корхона ишчи хизматчилари билан ҳамкорликда маҳсулот сифатининг яхши бўлиши ҳақида қайғураётганликларини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар цехлар ва участкаларда бўлиб, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётган жараёнларни аниқламоқдалар ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, 1986 йилда давлат қабули вакиллари тавсияси билан барча цехларда тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 436 та тадбир ишлаб чиқилди. Афсуски, бу тадбирларнинг ҳаммаси ҳам амалга оширилмади. Бунинг асосий сабаби цехлар ва корхоналар раҳбарларининг бу муҳим масалага етарли эътибор бермаганликларидадир. Ваҳоланки, коллектив ишнинг сифат кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмаслигидан ҳамон муайян даражада зарар кўрмоқда. Ўша йили белгиланган тадбирларнинг 112 таси амалга ошмай қолди.

Бундай ҳолат ўтган йили ҳам давом этди. Давлат қабули вакилларининг қуйидипишдилиги туфайли бракни камайтиришга ёрдам берадиган 250 га яқин тадбир ишлаб чиқилди. Бироқ уларнинг деярли ярми амалга ошмай қолди. Бунинг объектив сабаблари бўлса майли эди-я. Асосан раҳбарларнинг бефарқлиги туфайли шундай аҳвол юз берди.

Албатта шундай шароитларда давлат қабули вакилларининг ишлаши анча мушкуллашади. Лекин улар зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажармоқдаларки, бу таҳсинга сазовор. Давлат қабулининг катта вакили Л. Цой, вакиллардан Б. Симонянц, Э. Халилов, Б. Омонов, А. Маҳмудов, Н. Цой ва кўпгина бошқалар ҳақида фақат илиқ сўзларни айтиш мумкин. Ўзларини тиниб-тинчимасликлари билан ҳар бир иш жойида сифат кўрсаткичларининг ошишига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанларнинг нутқларидан шу нарса маълум бўлдики, гарчи хўжалик узумчиликда донг чиқарган бўлса ҳам бу соҳада кейинги йилларда бир қатор имкониятлар бой берилмоқда. Агар колхоз бўйича 130 гектар токзордан ўртача 20 тоннадан хирмон кўтарилганда эди, шунинг ҳисобига узумчиликдан келадиган даромаднинг миқдорини 1 миллион 500 минг сўмга етказиш мумкин.

Ҳисобот йиғилишида, шунингдек, Боқижон Султонов, Жалил Мажидов, Абдуғани Ортиқов, Асом Зоҳидов, Баҳодир Бойтмуҳамедов, Омонилла Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг иши ҳам батафсил таҳлил этилди. Бригадага қанча ер бириктирилганлиги ва бу ерлардан фойдаланиш самарадорлиги, экин турлари планининг қандай бажарилганлиги бирма-бир айтиб ўтилди. Маълум-бўлдики, сабзавотчиликда муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, лекин картошкачилик оқсамоқда. Уруғ яхши танланмаётганлиги, агротехникада жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли ана шундай аҳвол содир бўлди.

— Қайта қуриш ҳар кимдан ҳисоб-китоб билан иш юритишни талаб этади,— деди раис докладида.— Айниқса, барча бригадаларда ишлар оила пудрати асосида қурилган ҳозирги шароитда бу ғоят муҳимдир. Лекин, очиғини айтиш керакки, кўпчилик бригадалар бунга амал қилмаяптилар. Оддий ҳисобот йиғилишида ҳамма ишлар ойдинлашиб, ҳар бир бригада ишини ана шу сингари илғор коллективлар, звенолар тажрибаси асосида ташкил этиш зарур вазифадир. Бу — соф фойданц, даромадни кўпайтиришнинг муҳим омилидир. Бу бир гектар ердан икки гектар ернинг ҳосилини олиб ана шу «иқтисод» қилинган ердан чорва озуқасини кўпайтириш имконини беради. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишди. Колхозда 1987 йилда 70 гектар ерга эртаги карам экилди. Ҳар гектардан ўртача 36 тоннадан ҳосил олинди. Ана шу ҳосилдорлик лоақал 50 тоннага етказилса, (айрим звенолар ҳатто 60—70 тоннадан ҳосил олишмоқда.) ана шунда план бўйича 70 гектарга эмас, 50 гектар ерга карам экиш ва бу ердан олинадиган маҳсулот ҳисобига ҳатто мажбуриятни ҳам бемалол уддалаш мумкин. Бу — бир. Иккинчидан ўтган йили карамнинг ўртача харид нархи 20 тийинданга тўғри келди. Нега бир пайтда хўжаликда бу кўрсаткич 17 тоннани ташкил этаётганлигини нормал ҳол деб бўладими?

Ҳар бир қарич ерни қадрлаш, эҳтиёжлаш керак. Ахир шундай қилаётганлар борку?! Масалан Ҳожи Азимов оилавий звеносини олиб кўрайлик. Бу оила 46 сотих ерга эртаги карам экиб, 36 тонна хирмон кўтарди. ва экиннинг бу туридан 4,5 минг сўм даромад қилди. Узумдан 31 тонна маҳсулот топириб 9240 сўм, пилладан 1155 сўм даромад қилди.

Бундай мисолларни ҳар бир соҳадан келтириш мумкин. Демак, ҳозирги шароитда ҳар бир бригадада ишни ана шу сингари илғор коллективлар, звенолар тажрибаси асосида ташкил этиш зарур вазифадир. Бу — соф фойданц, даромадни кўпайтиришнинг муҳим омилидир. Бу бир гектар ердан икки гектар ернинг ҳосилини олиб ана шу «иқтисод» қилинган ердан чорва озуқасини кўпайтириш имконини беради. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишди. Колхозда 1987 йилда 70 гектар ерга эртаги карам экилди. Ҳар гектардан ўртача 36 тоннадан ҳосил олинди. Ана шу ҳосилдорлик лоақал 50 тоннага етказилса, (айрим звенолар ҳатто 60—70 тоннадан ҳосил олишмоқда.) ана шунда план бўйича 70 гектарга эмас, 50 гектар ерга карам экиш ва бу ердан олинадиган маҳсулот ҳисобига ҳатто мажбуриятни ҳам бемалол уддалаш мумкин. Бу — бир. Иккинчидан ўтган йили карамнинг ўртача харид нархи 20 тийинданга тўғри келди. Нега бир пайтда хўжаликда бу кўрсаткич 17 тоннани ташкил этаётганлигини нормал ҳол деб бўладими?

— Ваҳоланки бу маррани эгаллаш мумкин,— деди сут соғувчи Мавлуда Рашидбекова,— бунинг учун озуқа етиштириш ишларини тубдан яхшилаш керак. Ваҳоланки, ўтган йили силос бостириш плани ярим йўлда қолиб кетди. Тайёрланган сенаж сифатли бўлмади. Беда вақтида ўрилиб ғарамланмади. Бунинг устига сигирларнинг рациони тўлиқ бўлмади. Буларнинг ҳаммаси албатта маҳсулдорликка таъсир қилмасдан қолмади. Шунинг учун ўтган йили 1986 йилдагидек, етилганлари, пишганлари, вақтида танлаб саралаб, узилиб сотилмади. Ёпасига пишиб етилишини кутиб катта хато қилинди. Шу туфайли ҳар бир килограмм карамдан хўжалик ўртача 10—12 тийиндан ютқазди. Шу ҳисобга 300 минг сўм кам фойда олинди.

Экиннинг бошқа турларидан ҳам ана шундай имкониятлар бой берилди.

...ҲИСОБОТ йиғилишида янги йилда ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик ҳақида батафсил фикр юритилди. Энг муҳими,— деб таъкидланди ҳар бир коллективда ишни бошидан пухта қилиб сарф-ҳаражатларни ҳисоблаб бориш зарур.

Ҳисобот йиғилишида бундан буён ҳам социал масалаларга катта аҳамият бериш бош вазифа қилиб қўйилди. Тўғри, колхозни ободонлаштириш юзасидан кейинги йилларда катта ишлар қилинди. Лекин булар ҳали етарли эмас. Янги йилда автогараж ва трактор парки қурилиши, боғчани ремонт қилиш, иккинчи боғдорчилик бригадасида шийпон қуришни, узум ва мева сақлайдиган омборлар қурилишини ниҳоясига етказиш керак. Шунингдек, 6 гектарлик теплица қурилишини ҳам бошлаш зарур. Сабзавотларни саралаш пунктини ишга туширириб юбориш биринчи даражали вазифадир. Бошқа бир қатор ободончилик ишларини ҳам амалга ошириш ҳозирги куннинг талабидир. Бу мақсадларга эришишнинг бирдан бир йўли ҳар бир бригадада, ҳар бир коллективда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ана шу ҳисобга умумий фойда салмоғини тинмай кўпайтириб боришдир.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида бўлиб ўтган ҳисобот-йиғилишида 1988 йил учун белгиланган план ва социалистик мажбуриятлар муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари А. Тўраҳонов сўзга чиқди.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



● ПИСКЕНТ районидаги «Гулистон» колхози меҳнаткашлари айни кунларда кузги-қишки ишларни авж олдириб юборишди. Механизаторлар техника ремонтини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Суратларда: (чапдан) колхознинг тажрибали механизатори Бекмурод Холмуродов. У ўз тракторини мавсумга биринчилар қатори тайёрлади; экиш сеялкалари ремонти сифатли кўздан кечирилмоқда; ёш механизаторлар Карим Досаев ва Ҳабибулла Деҳқоновлар ҳам ремонт ишларини бажаришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Давлат қабули вакилларининг талаби билан корхонада синаш треки қурилди. Унда барча маркадаги тракторларнинг дефектлари аниқланмоқда. Амалда бу қурилма худди даладаги каби синов ўтказади. Бу жуда қўл келмоқда. Шу қурилма далада ишлатилган вақтда аниқланадиган нуқсонларни топиш ва бундай маълумотларни йиғиш ҳамда уларни бартараф этишни анча енгиллаштириш имконини берди.

Давлат қабули маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган турли масалаларни бирлашма маъмурияти ва партия комитети эътиборига ҳавола қилмоқда. Унинг тавсияси билан яқинда партия комитетининг бюро мажлисида прицеп ва пайвандлаш ишлаб чиқаришида ишнинг сифати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда корхона бош пайвандчиси Ю. Шкиневга прицеплар ишлаб чиқаришга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўрилишини таъминламаганлиги учун, шунингдек бошқа мутахассисларга ҳам хайфсан эълон қилинди.

Давлат қабули вакиллари лозим пайвандлаш оснасткаси йўқлигини аниқладилар. Бу иш билан биргина конструктор Н. Палинбетов шуғулланар экан. Ваҳоланки янги оснасткаларни конструкция қилиш учун йигирмадан ортиқ талабнома бор эди. Бир киши албатта унинг уддасидан чиқа олмайди. Бу жуда узоққа чўзилиши мумкин. Ана шундай камчиликлар туфайли пайвандлашнинг техник жараёни ҳозирги замон талабларига жавоб бермаяпти.

Биргина прицепнинг пайванд қилинадиган чоклари 85 метрдан ҳам ортиқроқдир. Пайвандчи эса бу жараённи бажаришда жуда кўп қийинчиликларга дуч келяпти. Унинг ишини енгиллаштириш ҳақида етарли қайғурмаяпти. Ахир бутун смена давомида пайвандлаш аппарати ва болга унинг қўлидан тушмайди. Лекин бу машаққатли иш етарли рағбатлантирилмаётганлиги н и ҳам айтиб ўтиш керак. Прицепнинг таг томонини пайванд қилиш учун тўланадиган ҳақ 1 сўм 17 тийиндир. Бир кун давомида икки киши бор-йўғи 8 та прицеп тагини пайвандлаши мумкин. Бу пайвандчини сифатли ишлашга рағбатлантирмайди. Оқибатда технология бузилади. Чунки пайвандчи миқдор кетидан қувишга ҳаракат қилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, 24-цехда текшириш ўтказган давлат қабули вакиллари шуни аниқлашдики, Ш. Исҳонов раҳбарлигидаги бригада иш вақтининг 20 процентдан кўпроғини деталлар нуқсонларини бартараф этишга сарфлар экан. Бунинг сабаби ҳам цехнинг етарли даражада техникавий жиҳозланмаганидадир.

Давлат қабули ходимлари шундай нуқсонларни аниқлабгина қолмай, балки уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ҳам ишлаб чиқмоқдалар. Бироқ ҳамма ҳам бунга лозим даражада эътибор бермаяпти. Корхонада сифатга бўлган муносабат ҳамон ҳозирги кун талаблари даражасига етмаяпти. Техникавий тадбирларни амалга ошириш бўйича муддатларнинг барбод бўлганлиги учун ҳеч ким жазоланмаяпти. Бу эса ўз навбатида цехлар бошлиқлари, бош мутахассисларнинг масъулият сезмаслигига сабаб бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишга салбий таъсир қилмоқда.

— Нуқсонлари бўлган маҳсулотни ҳар қандай йўл билан давлат қабулидан ўтказишга интилишлар ҳамон тўла бартараф этилгани йўқ, — дейди бирлашма давлат қабули раҳбари Р. К. Алиев.— Ҳатто бундай хатти-ҳаракатлар кўпчилик масъулиятли раҳбарлар томонидан рағбатлантирилмоқда ҳам. Албатта бундай шароитларда ишлаш оғир. Лекин бу жараёнларни тушуниш ҳам керак. Ҳали жуда кўп эскилик сарқитларини тагтомири билан йўқотишга тўғри келади.

Бирлашма цехларида бўлганимда кўпгина ишчилар билан давлат қабули тўғрисида суҳбатлашдим. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдим. Кўпчилик ишчилар бу тадбир вақтида жорий қилинганлигини таъкидлаб, ҳозирги вақтдаги айрим қийинчиликлар кўп ўтмай бартараф этилишига умид боғламоқдалар. Лекин айрим ишчилар янгилик ҳақида тўғри фикр юритишмаяпти. Улар давлат қабули жорий қилиниши оқибатида кўп нарсадан, жумладан ҳар кварталда олинадиган мукофотлардан, 13-маошдан, қатор бошқа моддий рағбатлантиришлардан маҳрум бўлганликларини айтмоқдалар. Улар албатта янглишадилар. Шундай экан аввало уларнинг ўзлари айбдордирлар. Эндиликда эскича ишламасликлари, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида меҳнат қилмасликлари керак эди.

Бу давлат қабулининг моҳияти ҳар бир ишчи-хизматчи онгига чуқур етказилмаганлигидан ҳам далолат беради. Демак корхонада бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаган. Ваҳоланки, бир неча бор таъкидланганидек, қайта қуришни аввало кишилар онгидан бошлаш лозим. Бирлашма маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари эса буни эсдан чиқариб қўйишган. Шундай экан улар бу камчиликни тезда бартараф этиш учун зарур чораларни кўришлари лозим. Шундагина давлат қабули янада яхши натижа беради, маҳсулот сифатини оширишда янги-янги марралар эгалланади.

Ю. ЛИСОВ,
жамоатчи мухбир.

● **ТОШКЕНТДАГИ 49-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари пойтахтнинг Самарқанд Дарвоза кўчасида янги турар-жой комплексини бунёд этдилар. Объектда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ҳадемай, яна ўнлаб оилалар янги квартираларга кўчиб кирадилар. Суратда: бино қурилишида фаол иштирок этаётган бошқарманинг монтажчиси Валерий Гушчин ва юқори малакали дурадгор Ўткир Тўхтаалиевларни кўриб турибсиз.**

Е. Кузмина фотоси.

Билимлар—оммага

АТЕИСТИК КЕЧА

Яқинда республика илмий атеизм уйида Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент политехника институти автоматик бошқарув системаси (АСУ) факультети студентлари билан атеист олимлар ва лекторлар учрашуви бўлиб ўтди.

Мажлислар залига 200 дан ошиқ студентлар йиғилди. Кечада институт илмий атеизм кафедрасининг доценти, фалсафа фанлари кандидати Хушвақт Раҳимов «Қайта қуриш шароитида атеистик тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари», Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Тилаб Рўзиматов «Табиат ҳодисалари илоҳиймі?» каби мавзуларда қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Институт доценти, тарих фанлари кандидати Раъно Мирзаева, катта ўқитувчи Нигора Акбарова, республика илмий атеизм уйи ходими Насиба Каримовалар студентларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Кеча охирида атеистик мавзуда «Қилмиш-қидирмиш» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Т. РЎЗИЕВ.

ЛЕНИНГРАДЛИК ЛЕКТОРЛАР ИШТИРОКИДА

Олмалиқ шаҳар «Билим» жамияти правленеси аҳоли ўртасида педагогика, социология, ҳуқуқшунослик, оилавий муносабатлар психологияси бўйича билимларни кенг тарғиб этиш юзасидан махсус программа ишлаб чиқди.

Программага мувофиқ шаҳарнинг кўп сонли педагог-ўқитувчилари, юристлар, «психологлар, шунингдек Тошкент, Москва ва Ленинград олимлари жойларда оила ва никоҳ ҳақидаги қонунчилик, болалар тарбиясида ота-оналар роли, етим болалар ҳуқуқи ва манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш юзасидан қизиқарли лекциялар ўқишади, суҳбатлар ўтказишади.

Омма ўртасида ўтказилаётган тадбирларда марказий шаҳарлардан келган лекторлар актив иштирок этмоқдалар. Ўтган йили Олмалиқда «Билим» жамияти Ленинград шаҳар ташкилоти лекторлари иштирокида «Севги, оила ва болалар» мавзуида туркум лекциялар ташкил этилган эди. Бундан ташқари ҳар ойда металлурглар маданият ва техника саройида, саноат корхоналари ва ўқув юртларида ёшлар тарбиясига доир туркум лекциялар, савол-жавоб кечалари ўтказиб борилмоқда.

«Билим» жамияти Олмалиқ шаҳар ташкилоти ленинградлик лектор-олимлар билан ижодий алоқаларни бундан кейин ҳам давом эттиришади. Шу йилнинг дастлабки ойларида улар билан ҳамкорликда «Маънавий, ахлоқий тарбиянинг актуал масалалари» мавзуида туркум лекциялар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Л. ЛАВРИНА.

● *Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан*

КОМСОМОЛ ВА ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАЙТА қуриш комсомол ҳаётига чуқур сингиб бораяпти. Шу жараёнда йигит-қизларда бир қатор саволлар туғиляпти. Революцион ўзгартиришларда, экономикани юксалтиришда қандай қилиб яна ҳам активроқ иштирок этиш, жамиятда ўз ўрнини топиш мумкин? Бу саволларга марксча-ленинча назария билан тўла қуроллланган тақдирдагина тўла жавоб топиш мумкин.

Тошкент область комсомол комитетининг навбатдаги пленумида шу ҳақда гап боради. Пленум қатнашчилари ёшларга марксча-ленинча таълим беришни яхшилаш ва уларда сиёсий ҳамда иқтисодий фикрлашни шакллантириш юзасидан вазифаларни муҳокама қиладилар.

Пленумга тайёргарлик бўйича ишчи группаси тузилди. Группа комсомол ва ёшлардан шу актуал тема бўйича фикр ва мулоҳазалар кутаяпти. Бизни кўпроқ ёшларга марксча-ленинча таълим беришни яхшилашда комсомол ташкилотлари тўплаган тажрибалар ва муаммолар қизиқтиради.

Хатларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9. Область комсомол комитети. 32-10-53 номерли телефон орқали қўнғироқ ҳам қилишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.

● **ТУЙТЕПА маккажўхори донини саралаш заводида юбилей йилида катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди. Корхонанинг уруғни дориловчи цехи ва лабораториясидаги механизмлар такомиллашган серунум ускуналар билан алмаштирилди. Бу ишчилар учун анча қулайликлар юзага келтирди. Натижада ўтган йилги мавсумда пландагидан 50 тонна ортиқ сара уруғ тайёрланди. Суратда: корхонанинг кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган лаборантлари Румия Гимальдинова ва Надежда Бучковалар.**

О. Пепенов фотоси.

ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИ: НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

УМУМПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

КПСС Уставнинг 40-параграфида шундай деб кўрсатилган: «КПСС Марказий Комитети партия съездлари орасидаги даврда, зарур бўлиб қолган тақдирда партия съезднинг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириши мумкин». Ана шу Устав қоидасига мувофиқ КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида партия ҳаётини янада демократлаштириш, коммунистлар активлигини ривожлантириш мақсадида умумпартия конференциясини чақириш тўғрисидаги таклиф илгари сурилди ва қўллаб-қувватланди. Шу асосда Марказий Комитетнинг навбатдаги июнь Пленуми 1988 йил июнь ойида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Умумпартия конференцияларининг роли ва аҳамияти қандай, нега улар кейинги 40 йил давомида чақирилмади, энди у нима сабабдан ўтказилади, деган саволлар пайдо бўлмоқда.

Маълумки, съезд КПССнинг олий органи ҳисобланади, умумпартия конференцияси эса партиянинг олий органларига киради. Ленинчи партия ўзининг бутун тарихи давомида 27 та съезд ва 18 та конференция ўтказган. Умумпартия конференцияларининг ҳар бири съездлар ўртасидаги даврда партия, жамият олдида пайдо бўлган актуал масалаларни коллектив тарзда муҳокама қилиш шакли ҳисобланган. Шунинг учун умумпартия конференциялари ленинчи партия тарихида муҳим роль ўйнади.

Россияда марксистик партия пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида унинг структураси, фаолиятининг форма ва усуллари таркиб топа борди. Партия конференцияларини вақтивақти билан ўтказиб туриш ғояси анча илгари пайдо бўлган эди. РСДРПнинг III съезди (1905 йил апрель)даёқ В. И. Ленининг таклифи билан турли партия ташкилотлари вакилларининг конференцияларини ўтказиб туриш тўғрисида резолюция қабул қилинган эди. Резолюцияда социал-демократиянинг муҳим масалаларини биргалашиб муҳокама қилиш учун конференцияларни вақти-вақти билан ўтказиб туриш зарурлиги кўрсатилганди. Бу қоида РСДРПнинг IV (Бирлаштирувчи) съезди қарорида ҳам тасдиқланди. Унда съезд Марказий Комитетга партия ва давлат ҳаётининг кундалик масалалари бўйича партия конференцияларини иложи борича тез-тез чақириб туришни топширди.

Большевистик партиянинг биринчи конференцияси 1905 йил 1 декабрда Таммерфорс (Финляндия)да бўлиб ўтди. Унда 26 та партия ташкилотидан 41 делегат иштирок этди. Конференцияга делегатлар изчил демократик пропорционал принцип асосида — 300 партия аъзосидан бирини делегат қилиб сайладилар. Конференция делегатлари орасида В. И. Ленин, Л. М. Книпович, Л. Б. Красин, Н. К. Крупская, С. А. Лозовский, В. Н. Невский, П. П. Румянцев, И. В. Сталин, Е. М. Ярославский ва бошқалар бор эди. Конференцияга меньшевикларнинг расмий вакили ҳам таклиф қилинганди. У конференция ишида иштирок этди. Конференция муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган эди: жойлардан докладлар, ҳозирги аҳвол тўғрисида доклад, Марказий Комитетнинг ташкилий ҳисоботи, РСДРП иккала қисмини бирлаштириш тўғрисида; партияни қайта тузиш тўғрисида; аграр масала; давлат думаси тўғрисида. В. И. Ленин конференцияга раислик қилиб, ҳозирги аҳвол ва аграр масала бўйича докладлар билан чиқди.

1905 йил охири Россияда революцион ҳаракат мислсиз кўтарилиши билан нишонланди. Бундай вазиятда Россия марксистларининг вазифалари конференция қабул қилган ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Большевиклар РСДРП амалда 2 та қисмдан — большевиклар ва меньшевиклардан ташкил топганлигини нормал ҳол деб ҳисобладилар. Бундай бўлиниш партия II съезди ишинги охирида 1903 йилда юз берган эди. В. И. Ленин РСДРП III съезди қарорлари асосида партия бирлигини тиклаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Партиямизнинг биринчи конференцияси бирлашишни, большевиклар ва меньшевиклар амалий иш олиб борувчи марказларининг, уларнинг марказий босма органларининг тенглик асосида қўшилишини, айни бир вақтда жойларда параллел ташкилотларнинг қўшилишини ёқлаб чиқдилар. Яқин вақт ичида РСДРПнинг бирлаштирувчи съездини чақириш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Партияни қайта тузиш тўғрисида»ги резолюцияда конференция ғоявий ва амалий раҳбарлик ишида марказларга бутун ҳокиминятни бериб қўйиш билан уларнинг алмашиб туриши, кенг ошкоралик ва ўз фаолияти юзасидан қатъий ҳисоб бериб туриши билан бирга кенг сайлов асосларини ўтказишни зарур деб топди. Большевиклар биринчи конференциясининг бу ажойиб қоидаси кўп йиллар ўтгандан сўнг ҳозир ҳам актуал бўлиб турипти.

Конференция партия қурилишида демократик централизм принципи шубҳасиз бўлиши лозимлигини тан олди. Шуни эслатиб ўтамизки, бундай ибора партия ҳужжатларида биринчи марта ишлатилган эди. У 1906 йили бўлган IV Бирлаштирувчи съезд қабул қилган РСДРПнинг Уставида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу қоида КПССнинг ҳозир амалда бўлган Уставида ҳам асосий ҳисобланади. Бу Уставда демократик централизм партия ташкилий тузилиши, ҳаёти ва фаолиятининг етакчи принципи сифатида таърифланади.

Конференция РСДРП III съезди қарорларини ривожлантириб В. И. Ленин томонидан ёзилган «аграр резолюция»да партия аграр программасининг чегириб олиш тўғрисидаги пунктини барча давлат, помещчик ва черков ерларини конфискация қилиш талаби билан алмаштиришни таклиф қилди. «Давлат думаси тўғрисида»ги резолюцияда гап биринчи думани актив равишда бойкот қилиш тўғрисида борди.

Кўриниб турибдики, большевикларнинг биринчи конференциясида муҳокама қилинган масалалар муҳим етилган масалалар эди. Бу қарорлар ўша давр революцион вазиятининг ҳамма энг муҳим масалалари бўйича партияни тўғри йўналтирди.

1905 йилдан бошлаб умумпартия конференциялари партиямиз ҳаётига кирди. Навбатдаги, иккинчи конференция 1906 йил ноябрида бўлди. У ҳам Таммерфорсда ўтказилди. Конференцияда 32 делегат, шу жумладан Ўрта Осиёдан бир делегат иштирок этди. Унда партия иккала қисмининг вакиллари қатнашдилар. Бутунроссия партия конференциясининг асосий масаласи сайлов кампанияси тўғрисидаги, унинг боришида партиянинг позицияси тўғрисида, бошқа сиёсий кучлар билан эҳтимол тутилган сайлов блоклари тўғрисидаги масала бўлди.

II конференциянинг якунлари партияда қарама-қаршиликлар яна кескин кучайганлигини кўрсатди. Ана шундай мураккаб шароитда ҳам большевиклар пролетариат ҳаракатининг бирлигини сабот билан сақлашда давом этдилар.

Мамлакатда революция мағлубиятга учрагандан сўнг аҳволи оғир бўлиб қолди. Кўпгина революционерлар қамоққа олинди, сургун қилинди, отиб ташланди. Партия ичида номарксистик характердаги турли хил оқимлар пайдо бўлди. Пессимистик кайфиятдаги меньшевик-ликвидаторлар революциядан юз ўгириб, пролетариат гегемонияси учун курашни кераги йўқ деб эълон қилдилар, нолегал пролетар партиясини ҳам рад этдилар. Партия ичида отзовистлар ҳам пайдо бўлди. Улар тамомила бошқача йўл тутдилар: курашнинг ошкора формаларидан фойдаланиш. давлат думаси ишида қатнашиш, думадан меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида минбар сифатида фойдаланишга қарши чиқдилар. Партия учун ана шундай мураккаб ва қийин шароитда 1907—1908 йилларда 3 та умумпартия конференцияси ўтказилди. Учинчи ва тўртинчи конференциялар партиянинг аҳволини муҳокама қилди, РСДРПнинг дума тактикаси масалаларини, курашнинг нолегал ва легал формаларини қўшиб олиб бориш масалаларини кўриб чиқди.

1908 йил декабрида Парижда РСДРПнинг V (умумроссия) конференцияси бўлиб ўтди. У партия раҳбар органларининг ҳисоботларини, маҳаллий ташкилотларнинг докладларини тинглади. Конференция В. И. Ленининг таклифи билан ликвидаторликни қоралади ва барча партия ташкилотларини партияни тугатишга бўлган уринишларга қарши кескин курашга чақирди.

V конференция партияни ғоявий-сиёсий ва ташкилий кризисни бартараф этишга йўналтирди, контрреволюция ғалабасидан сўнг ишчилар ҳаракати тараққиётида бурилиш пункти бўлиб қолди. РСДРП конференцияси қарорларига таяниб, большевиклар бир неча йиллар давомида бир томондан меньшевикларнинг ликвидаторлигига қарши, иккинчи томондан отзовизм-ультиматизмга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Россиянинг ҳақиқий марксистлари Ленин бошчилигида ўз фаолиятлари марказини нолегал партияни мустаҳкамлашга кўчиришга, ишнинг яширин формасини ошкора формаси билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қилдилар.

Большевиклар сабоқлардан хулоса чиқардилар, куч йиғдилар, янги революцион кўтарилиш бошланиши билан эса маҳаллий ташкилотларнинг фаолиятини анча жонлантирдилар. В. И. Ленин бундай шароитда навбатдаги умумпартия конференциясини чақириш етилган масалаларни муҳокама қилишни зарур деб ҳисоблади. РСДРПнинг VI (Прага) Бутунроссия конференцияси партиямиз тарихида ниҳоятда катта роль ўйнади. В. И. Ленин конференцияда ҳозирги момент ва партиянинг вазифалари тўғрисида, ликвидаторлик тўғрисида, халқаро социалистик бюро тўғрисидаги докладлар билан чиқди. Уларда янги революцион кўтарилиш кучайиб бораётган шароитда большевистик партиянинг асосий вазифалари аниқ таърифлаб берилди. Мамлакатдаги вазиятнинг ленинча таҳлили асосида конференция маҳаллий партия ташкилотларини партия шиорлари остида омма ҳаракатини бошқаришга, ишчилар синфи социалистик тарбиясини кучайтириш ва уни бирлаштиришга чақирди.

Партиянинг Прага конференциясида партияни оппортунистлардан тозалаш асосий масала бўлиб қолди. Конференция қабул қилган «ликвидаторлик тўғрисида ва ликвидаторлар группаси тўғрисида» ҳамда «Чет элдаги партия ташкилоти тўғрисида»ги резолюцияларда ликвидаторлар ўзларини узил-кесил партиядан ташқари қўйганликлари кўрсатиб ўтилди. Конференция қарори билан меньшевик оппортунистлар партиядан ҳайдалди, ликвидаторлар барбод қилган марказий органлар қайта тузилди. «РСДРПнинг Бутунроссия конференцияси тўғрисидаги ахборот»да Прага конференцияси РСДРП учун энг муҳим партия съездлари сингари шубҳасиз улкан аҳамиятга эга бўлади, деб ҳаққоний равишда уқтириб ўтилди. Бу конференцияда большевиклар мустақил партия сифатида узил-кесил ташкилий жиҳатдан расмийлашди.

РСДРПнинг кейинги VII (Апрель) конференцияси партия тақдири, меҳнаткаш халқ тақдири учун улкан аҳамиятга эгадир. Бу конференция 1917 йил баҳорида Петроградда бўлди. Бу вақтга келиб партияда 80 минг аъзо бор эди, маҳаллий ташкилотларнинг кўпдан-кўп тармоғи иш олиб борарди: 223 та район ва кичик район, 163 шаҳар, 3 округ (губерния), 6 область партия ташкилоти бор эди. Улардан ташқари армия ва флотда партия ташкилотлари иш олиб борарди. Уларнинг фаолиятини РСДРП Марказий Комитети ҳузуридаги махсус марказ координация қилиб турарди.

Партия конференцияси делегатлари диққат-марказида В. И. Ленининг Апрель тезисларида баён қилинган ғоялар турди. Партиянинг кўпчилик аъзоси, партия ташкилоти тасдиқлаган характеристикани олий партия мактабларига тақдим этадилар.

Тўрт йиллик бўлимга тавсия этилганлар билан майнюнь ойларида олий партия мактабларида жамиятшунослик юзасидан суҳбат ўтказилади ҳамда рус тили ва адабиётидан имтиҳон (иншо) олинади. Суҳбатлашув ва имтиҳонга тайёрланиш учун уларга иш жойидаги иш ҳақи сақлаб қолиниб, 15 календарь кун миқдорида отпуск берилади.

Икки йил қатнаб ўқиладиган ва уч йиллик сиртқи бўлимларга кирувчилар апрель-май ойларида олий партия мактабларига суҳбатлашув учун таклиф этиладилар.

Олий партия мактабларидаги машғулотлар 1 сентябрда бошланади. Тингловчиларга (ойлаисиз) ётоқхона берилади.

(Давоми бор)

Олий партия мактабларига тингловчиларнинг навбатдаги қабули тўғрисида

Олий партия мактабларига тингловчиларнинг навбатдаги қабули эълон қилинади.

Қабул иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари ва Москва шаҳар партия комитетининг тавсияларига биноан ўтказилади. Марказий ташкилотлар ва идеология муассасалари ходимларини мазкур ташкилот ва муассасаларнинг партия комитетлари (коллегиялари) КПСС Москва шаҳар комитети орқали расмийлаштирадилар.

Олий партия мактабларига камида уч йиллик партия стажига эга бўлган КПСС аъзолари, партия аппарати масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилотларининг бошқа ишлардан озод этилган секретарлари, совет, комсомол органларининг, идеология муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари, партия комитетларининг аъзолари ва халқ депутатлари советларининг депутатлари бўлган ишчи ҳамда колхозчилар, мутахассислар орасидан:

икки йиллик қатнаб ўқиладиган ва уч йиллик сиртқи бўлимларга — олий маълумот билан;

тўрт йиллик қатнаб ўқиладиган бўлимларга — ўрта маълумот билан қабул қилинади.

Олий партия мактабларининг қатнаб ўқиладиган бўлимларига 35 ёшгача бўлган ходимлар қабул этилади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, Москва шаҳар партия комитети ўқишга тавсия этиладиган ходимлар учун ариза, бюро қароридан кўчирма, кадрларни ҳисоба олиш шахсий варақаси, соғлиғи тўғрисида медицина хулосаси, партия ташкилоти тасдиқлаган характеристикани олий партия мактабларига тақдим этадилар.

Чорва қишлови «Тошкент ҳақиқати» назоратида

● ҚУМРИ Эргашева Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор сут соғувчиларидан бири. У 1987 йилни яхши натижалар билан якунлади. Айни қишлов кунларида ҳам баракали меҳнат қилмоқда. Қарамоғидаги 22 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 9—10 килограммдан сут соғиб олмоқда.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ЯЙЛОВ КИШИЛАРИ

ЛАВҲА

ЧОТҚОЛ узра оқшом қўна бошлади. Бугун тоғлар чўққисини қоплаган оппоқ қор, қадрдон яйловлар, пастликда ястаниб ётган водий, бир-бирига уланиб кетган қишлоқлар тароватн ўзгача. Ана, Ангрен шаҳрининг нурафшон чироқлари кўзга ташланмоқда. Сершовқин шаҳар, одамлар — ҳамма-ҳамма янги орзулар билан яшамоқда. Мўмин ака эса одамлардан олисда, тоғ этагидаги яйловда меҳнат қилади, мана қирқ бир йилдирки, шундай. Бир чеккаси кишига алам ҳам қилади, одамлардан олисда, хувиллаган тоғлар қўйнида...

МЎМИН ака ўзининг ўй-хаёлидан уялиб ҳам кетди. Ахир кимдан кам? Ота мерос чўпон таёғини эъзозлаб кам бўлдими? Сира ҳам. Нафақат совхозда, балки районда ҳам кўзга кўринган номдор чўпон. Кўксида Ленин, Октябрь Революцияси орденлари бор. Коммунист. Мана шу эътибор камми унга. Эҳ, ношукур банда. Ким эдингку, ким бўлдинг! Буёғи умр йўлдоши Қурбоной опа билан ўн икки фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Тўққиз ўғил, уч қиз. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топмоқда. Икки ўғли ота касби — чўпонликни танлашган. Мана энди яна бири Ойбек ҳам чўпон бўламан, деб дадил айтди.

Мўмин ака қизиқ. Эл маъмурчилиги йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Ҳозир у роппа-роса 40 гектар яйловни сим тўр билан қўралаб олган. Унга қаршилик қилувчилар, шахсиятпарастликда айбловчилар ҳам бўлди, шикоят қилишди, идорама-идора судрашди. Мўмин ака эса бўш келмади. Ҳамма жойда ўз сўзида туриб олди. «Ўраб олган бўлсам, ҳаммаёқ яйлов. Бу ерга қишда, қор-қировли кунларда совхознинг қўйини киритаман. Ўт-хашак тежалади. Ҳаракни ўзи тишлаб узиб еган қўй бақувват, соғлом бўлади. Ўрамаган тақдирдаям бу яйловлар қўйлар туёғи тагида эзилиб йўқ бўлиб кетарди. Ахир 40 гектар нима деган гап? Денгиздан томчи-ку! Ундан кўра бошқаларга ҳам айтинглар, баҳоли-қудрат яйловларни ўраб қишга асрашсин. Ахир бу кони фойда-ку».

Йўқ, ниҳоят уни тушунадиганлар ҳам топилди. Ҳамкасблари қўллаб-қувватлашди. Энди Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозида унинг тажрибасини қўллаётганлар жуда кўп. Мўмин ака районнинг энг тажрибали чўпонларидан. Унинг отарида илк бор эрта қўзилатиш усули синаб кўрилган эди. Бу тажриба кутилганидан зиёд самара берди. Ҳозир бу усул қўйчилик хўжаликларида кенг ёйилган. Мана, бир мисол. Унинг отарида ҳар юз бош совлиқдан пландаги 92 бош ўрнига 110 бошдан қўзи олинди. Кузга бориб эрта туғилган бу қўзиларнинг ҳар бири 44 килограммдан тош босди. Чўпон қўшимча 20 тонна ғўшт етиштирди. Ваҳоланки, бир қўйни 40 килограммга етказиш учун бошқалар 1,5—2 йил сарфлашяпти. Мана, эрта қўзилатишнинг афзаллиги. Буни деҳқончасига айтадиган бўлсак, ҳар йили икки марта ҳосил олиш, демакдир.

Даромад ҳам чакки эмас. Мўмин ака пудрат усулига биринчи бўлиб ўтганлардан. Жуда адолатли усул, дейди у. Кимки астойдил ишласа даромади шунга яраша бўлади. Мана 20 тонна топширган ғўшти, 4 тонна жуни учун М. Холтўраев 4 минг сўм ҳақ олди. Қўзилар учун йил якунида яна 2 минг сўм чиқишини чамалаб турибди. Булар ҳаммаси ойлик маошдан ташқари.

Мўмин ака бир кўнгли тушдан кейин қишлоққа, дўстлари ёнига жўнамоқчи, улар билан бир отамлашмоқчи ҳам бўлди. Лекин барибир, яйловни ташлаб кетолмаслигини ҳам билар эди. Сирасини айтганда унинг отарида бу йил яна бир синов ўтказилмоқда. Ҳадемай, у қўзилатишни бошлаб юборади.

— Ана шунақа гаплар, ука,— дейди Мўмин Холтўраев.— Биз яйловга ипсиз боғланганмиз. Қалбимиз ҳам, ишимиз ҳам шу ерда. Бир-икки кун яйловдан узоқроқ кетгудек бўлсак, тўрваси йўқотган девонадек бўлиб юрамиз.

Ундан муаммолар ҳақида сўрадик.

— Муаммолар ҳам бор. Совхозимиз раҳбарлари баъзида ҳафа қилиб туришади. Мана, ҳозиргача қишлов учун қўмир беришгани йўқ. Биз тоғда, айни изғирин бўладиган жойларнинг қоқ ўзида яшаймиз. Бу ҳам майли, ўзимизни-ку, амаллаяпмиз, лекин ҳанузгача ем беришмаётгани чатоқ бўляпти. Ахир қўрамдаги минг бош ушоқ молнинг 650 боши совлиқлар, эрта-индин қўзилай деб турипти. Ана шунга қойил эмасман.

Режалар, тажриба ва ҳаловотир. Мана, чўпоннинг янги йилдаги ўйлари. Улар яйлов кишилари, тоғ фарзандлари. Қўйчиликнинг оғир-енгилини бўйнига олган жасоратли, дангалчи, мард одамлар, маъмурчилик фидойилари. Шундай экан, уларнинг ҳурматини жойига қўйишни, ҳозирги серташвиш синов палласида аҳволидан оғоҳ бўлиб туришни унутмаслик керак.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
А. НАВРЎЗОВ.

АҚШга САФАР

Ўзбекистон жамоатчилиги вакилларининг делегацияси Америкадаги Фрэндшип Фор (Куч дўстлиқда) жамоат ташкилотининг таклифига биноан, Тошкентдан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди. Делегация составида саноат ва фан, санъат ва маданият арбоблари бор. Делегацияга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари—республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон вакиллари Вашингтон, Нью-Йорк, Сиэтл, Порт Лэндда, Американинг бошқа бир қанча шаҳарларида бўладилар.

Делегация Американинг оммавий жамоат ташкилоти раҳбарлари ва активлари билан бир қанча учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказади, шу учрашув ва суҳбатлар чоғида иккала мамлакат жамоатчилиги ўртасида мунтазам ҳамкорлик ўрнатиш, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланади.

Ҳозирги халқаро аҳволнинг энг муҳим масалалари хусусида бафуржа фикрлашиб олинади. Делегациямиз аъзолари Ўзбекистон мисолида Совет Иттифоқида ўтказилаётган қайта қуриш тўғрисида, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш программаси қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида Америка жамоатчилиги вакилларига гапириб берадилар.

(ЎзТАГ).

● ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ЖАСОРАТ МУЖАССАМ САТРЛАР

СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архивида 76-ўқчи дивизияда чиқадиган «Советский патриот» газетаси тахламини кўздан кечириб ўтирган эдим. «Жангчи камолоти» сарлавҳали мақола эътиборимни тортди. Газетанинг 1944 йил 19 ноябрь сонида С. Ширинский шундай деб ёзади:

«Катта лейтенант Солиҳ Ҳусанович Умаровнинг жанговар йўли бой ва ибратли.

У урушга қадар ўқитувчи эди. Ватан ҳимоячилари сафига 1941 йилнинг июль ойида оддий солдат сифатида қўшилди. Душманга қарши олиб борилган дастлабки жангларда-ёқ жасурлик ва мардлик кўрсатди. Қўмондонлик унинг қобилиятини юқори баҳолади ва ўрта командирлар курсига ўқишга юборди. Фронтга кичик лейтенант бўлиб қайтган ёш офицер уч ой замбаракчилар взводига командирлик қилди. Ильмен кўли яқинида душман танклари ва пиёдалари ҳужумини матонат билан қайтарди.

Эндиликда катта лейтенант Умаровнинг машҳур батареяси душманнинг қанча кучини яксон қилганлигини аниқ айтиш қийин. У ҳужум пайтида душманга қарата ўт очиб, бир неча марта пиёдаларга ҳамроҳ бўлди. Катта шаҳар бўсағасида душманнинг мустаҳкамланган мудофаасини ёриб ўтишда умаровчилар бир соат ичида фашистларнинг кузатиш пункти, ДЗОТи ва икки пулемётини яксон қилдилар.

Замбаракчиларнинг шонли ишлари ҳукумат мукофотларига лойиқ топилган. Умаров батареяси составининг ярмидан кўпроғи орден ва медаллар билан тақдирланган. Унинг ўзи эса тўрт марта мукофотланди».

Мақолани ўқиб чиққач, Солиҳ Ҳусанович Умаров жасорати ҳақидаги архив ҳужжатларини тўплашга киришдим. У тошкентлик бўлиб, В. И. Ленин номидаги республика педагогика билим юртини тамомлагач, Паркент районида ўқитувчилик қила бошлаган ва шу ердан Қизил Армия сафига чақирилган экан.

Ҳамюртимиз 1942 йил ноябрь ойидан Улуғ Ватан урушининг сўнгги кунларигача фронтда бўлиб, немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган буюк Ғалабага салмоқли ҳисса қўшди.

...1943 йил 3 сентябрь куни душман қарши ҳужумга ўтди. Умаров фашистларга яқинлашиб бориб, батареянинг замбараклардан ўқ отишини маҳорат билан бошқарди. Қарши ҳужум бартараф этилди. Дивизия командирининг 1943 йил 8 сентябрдаги буйруғига мувофиқ С. Умаров «Жасорати учун» медали билан мукофотланди.

1943 йилнинг 4 ноябрида Умаровга жангчиларимизнинг душман траншеясини ишғол қилишларига тўсқинлик қилаётган станокли пулемёт ва кузатув пунктини яксон қилиш вазифаси топширилди. Батарея замбаракчилари ушбу жанговар вазифани муваффақиятли уддалаб, пиёдаларнинг Боброво қишлоғини ишғол қилишларига имкон яратдилар.

16 ноябрда Умаров батареяси гитлерчиларнинг пулемёт ўрнатилган икки блиндажини яксон қилди. Қўмондонлик жангдаги бу муваффақиятлари учун С. Умаровни II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади.

С. Умаров батареяси 1944 йилнинг 24—26 мартида Тупали қишлоғининг жанубий-шарқий томонида душманнинг миномёт батареясини, Стара-Кошари қишлоғининг шарқий чеккасидаги станокли пулемётини ишдан чиқарди. Шунингдек замбаракчилар фашистларнинг битта замбараги ва 2 та миномётининг овозини ўчиришди, Зилув қишлоғидаги душман штаби жойлашган бинони вайрон қилишди, бир взводга яқин гитлерчиларни қириб ташлашди.

125-ўқчи корпус командири С. Умаровни иккинчи марта II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади.

Вильгельмштадт яқинида душман мудофааси ёриб ўтилган 1945 йилнинг 2-3 май кунлари капитан Умаров Вильгельмштадт—Деберитц лагери шоссесини тўсиш тўғрисида буйруқ олди. У батареяни шоссе яқинига силжитиб, гитлерчиларни шиддатли ўт очиш билан қаршилади. Қарийб 4 минг кишилик душман колонналари кичик группаларга бўлинган ҳолда кун бўйи 11 марта қарши ҳужумга ўтди. Бироқ, Умаров батареяси бундан чўчимади. Аниқ мўлжалга олиб, ўт очиш натижасида душманнинг 200 дан ортиқ солдат ва офицери қириб ташланди, битта танки, 4 та бронетранспортери, ўқ-дори ортилган 6 та автомашинаси ёндирилиб, 175 нафар солдат ва офицери асир олинди. Жангларга моҳирона раҳбарлик қилганлиги ва шахсий жасорат кўрсатганлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 31 майдаги Фармонига мувофиқ капитан С. Умаровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди.

Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган жангчи 1947 йилда Совет Армияси сафидан бўшаб келди. У Тошкентдаги саноат комбинатига, Янгийўл тикув-галантерея ва йигирув-тўқувчилик фабрикаларига директорлик қилди. Узоқ йиллар мобайнида Ўрта Чирчиқ районидаги «Труд» фабрикасини бошқарди.

С. Умаров Минск шаҳрининг фахрий граждани ҳамдир. 1964 йилда Тошкентга ташриф буюрган қардош Белоруссия ССР вакиллари Минск шаҳрини озод этишдаги жангларда қатнашганлиги учун унга «Минск шаҳрининг фахрий граждани» нишони ва гувоҳномасини тақдим этишган.

М. САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши . иштирокчиси.

ЧИНОБОДЛИК ЧАВАНДОЗ

Ўрта бўйли, қорачадан келган, оппоққина соқоли ўзига ярашиб турган отахоннинг дадил ва шаҳдам ҳаракати, саволларимга илиқ табассум билан қайтарган ҳазиломуз жавоблари диққатимни ўзига тортди.

— Ёшингиз нечада отахон?

— Саксонни қоралаб қўйдим.

— Қандай касалликлар билан оғригансиз?

— Умрим бино бўлиб, бир кун ҳам бошим ёстиққа тегмаган.

— Юрагингиз безовта қилмайдими?

— Қайси томонда бўлади ўзи?

Қисқа ва лўнда савол-жавобдан сўнг мен отахоннинг сиҳат-саломатлигини текширишга киришдим. Унинг кўзлари тийрак, юзлари тоза, нафас олиши равон, юрак уриши маромида, қон босими мўътадил эди. Қон томири уришини ҳисоблар экан-ман, чап қўли кафти ва бармоқларидаги эски чандиқларга аҳамият бердим. Кўрсаткич бармоғи худди бир нарсага омонат илингандай, ликиллаб турарди.

— Нима бўлиб шикастланган?

— Уруш вақтида... — деди отахон бироз ийманиб, — кесиб ташлашларига озгина қолган.

— Қачон, қаерда?

— Қирқ биринчи йилнинг ноябрида, Москва остоналарида.

— Қандай қисмда хизмат қилардингиз?

— 44-дивизиянинг 41-кавалерия полкида.

— Ие, ҳали урушда кавалерист бўлганман, денг.

— Ундан олдин ҳам шунақа эдим, — деди у бепарвогина.

— Ундан олдин деганингиз қачон?

— Босмачилар билан курашган пайтимизда.

— Босмачилар билан?

— Ҳа, Самарқандда. Ўзбек кавалерия полкида бўлганимизда, — деди отахон жилмайиб. Кейин ўнг қўли бармоқларини тароқ қилиб чўққи соқолини силаб қўйди. Бу билан гўё «бу соқоллар кўпни кўрган, бекорга оқармаган», дегандек туюлди. У ўзининг ҳаёт йўли билан қизиқаётганимни сезса ҳам бўлиб ўтган воқеаларни айтиб беришдан ийманарди. Сўрайвериб, ҳоли-жонига қўймадим. Шундан кейин сўҳбатдошим ён чўнтагидан кичкина юпқа муқовали дафтарча ҳамда тўрт букланган варақ олиб менга узатди.

— Қизиқаётган бўлсангиз мана шу ҳужжатлар билан танишиб чиқинг, уларда ҳаммаси аниқ ёзилган.

Мен қўлимдаги ҳужжатларга тез-тез кўз югуртира бошладим.

Архив справкаси.
Номери 13579
22 апрель 1971 йил
Ўзбекистон ССР, Тошкент области, Оржоникидзе райони, Чинобод қишлоқ Совети, «Октябрь» колхози.

Турсунов Раймбердига Қизил Байроқли 1-Ўзбек кавалерия полки 1931 йилнинг 7 апрелидан 25 июлигача бутун шахсий состави билан Иброҳимбек босмачиларига: 1931 йилнинг 20 августидан 28 октябригача эса Ўроскелдихон тўдаларига қарши жанговар ҳаракатларда қатнашди.

Совет Армияси Марказий Давлат архиви (САМДА) бошлиғи ўринбосари

МУРОВАННАЯ.

САМДАнинг илмий ходими ГРИНЧЕНКО.

Яна бошқа ҳужжатларда эса мазкур ҳужжат эгаси, 1918 йилда туғилган Турсунов Раимберди Гражданлар уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эканлиги, унинг иккинчи группа инвалиди сифатида СССР, иттифоқдош республикалар қабул қилган қонунларга асосан барча енгиллик ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи борлиги алоҳида қайд этилган эди.

Раимберди ота ўзи ҳақида жуда тортиниб кам гапирарди.

— Боя Самарқандда кавалерия полкида бўлганимизда, деб қисқача гапириб ўтдингиз, кимлар биланлигини айтмадингиз, отахон.

— Тўрт қамқишлоқ, тенгдош ўртоқ: мен, Эргаш Тошматов, Ходимат Орипов, Нормат Расуловлар. Ҳозир мендан бошқалари оламдан ўтиб кетишган, — деди у маъюс оҳангда ва бироз ўйга толиб ҳикоясини давом эттирди. — 1930 йилнинг кузида тўртовимиз шаҳарга тушиб, кўчада ҳарбий киймидаги бир қизил аскар йигитни кўриб қолдик. Жангчи билан гапиришиб, биз ҳам қизил аскар бўлиш ниятида эканлигимизни айтдик. У бизга йўл-йўриқ кўрсатди. Кейин ҳаммамиз гапни бир жойга қўйиб, тўппа-тўғри Тупроққўрғондаги ҳарбий бўлинмага бордик, кўнгилли равишда қизил аскарликка ёзилдик. Бизни Самарқандга, Миркомил Миршаропов бошлиқ ўзбек отлиқ полкига юборишди. Бекмуродов, Абдулла Саидхўжаев, Собир Раҳимов деган эскадрон командирлари, сиёсий ходимларимизни худди кечагидек эслайман. Биз бу ерда от боқиш, отда юриш қонун-қоидалари сирларини ўргандик. Бундан ташқари от чопиб кетаётганда чаққонлик билан қўрқмасдан унга ёндашиб, устига чиқиб олиш, ерга тушиш ҳамда ғов, тўсиқлардан сакраб ўтиш машқини олдик.

— Босмачилар билан бўлган курашдаги хотирангизда қолган бирон воқеани гапириб берсангиз?

— Миркомил Миршаропов бошчилигида Тожикистоннинг Янгибозор деган тоғли қишлоғига етиб борганимизда Иброҳимбек қўрбошининг тўдалари роса безорилик қилиб, ҳамма ёққа ўт қўйиб, бизга хайрихоҳ одамларни азоб-қийноққа солиб кетишганининг гувоҳи бўлдик. Қишлоққа кираверишда катта бир дарахт шохига осиб қўйилган одам гавдасига кўзимиз тушди. Яқинроқ келиб қарасак тахминан 18—19 ёшлардаги малла сочли бир қизнинг икки кўкраги, бурни, қулоғини кесиб, бўйнига «Сазойи киши доктор бўлсин!», деган ёзувли тахтачани осиб кетишибди, безорилар. Кейин билсак мархума шу қишлоққа яқинда ишга келган рус қизи, ҳамшира экан. Нарироққа борсак ёш-ёш болаларнинг тилини кесиб, оғзи-бурнини қоп-қора қонга белаб кетишибди. Бечоралар ерда ётган жойида гир-гир айланади, гапиролмайди, денг. Бундай ёвузликларни кўриб босмачиларга қаҳр-ғазабимиз, нафратимиз тошиб кетди. Тоғ даралари ичида от суриб, катта қийинчилик билан Иброҳимбекни тириклайин қўлга туширдик.

Энди Самарқандга қайтганимизда Туркманистонда Ўроскелдихон тўдаси бош кўтариб қолди. Қип-қизил чўлу-биёбонда, қум устида туя минган босмачилар билан олишишга тўғри келди. Уларнинг кўпчилиги чет элга қочиб қутулди, қолганларини тор-мор келтирдик. Шундан кейин Ўрта Осиёда босмачилар қайта бош кўтаришмади.

— Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам отлиқ қисмда хизмат қилган экансиз, у ерда хизматингиз қандай ўтди?

— Бу урушда ҳам отлиқларнинг иши енгил бўлмади. Тинимсиз ҳаракатда бўлган катта қўшинда отларнинг ёрдами беқиёс эди. Лекин 1941 йилнинг қаҳратон қишида, Москва остоналаридаги аёвсиз жангларда отлар чидаш беролмади. Сабаби одам бўйи қалин қор ёққан, аччиқ изғирин, туф деган тутгинг ерга тушмай қотиб қолади. Тўсатдан душман ёғдирган бомба, снарядлардан ўзимизни шошилинч пана жойга олганимиз билан, отларимизни асраб қололмадик. Кечалари биз кириб жон сақлаган эшик-тешикларга отимиз киролмас эди. Қанчадан-қанча вафодор, бақувват, учқур отларимиз душман ўқига учди. Ўзим ҳам ёнимга снаряд тушиб, даҳшатли портлаганда «қорабайир»им қўшилган, тўп ортилган аравачада эдим. Снаряд отимнинг нақ бошига тегиб ёрилди-ю, жонивор ўша заҳоти тил тортмай ўлди. Шунда менинг ҳам чап қўлим, курагим оғир яраланган эди. Уч ойгача госпиталда даволандим. Кейин врачлар мени хизматга яроқсиз топиб, фронт орқасига жўнатишди. Қишлоғимизга келиб колхозда ишлай бошладим.

Суҳбатдошим, икки уруш қатнашчиси, тинч меҳнат фронти зарбдори, II даражали Ватан уруши ордени ва кўплаб жанговар медаллар нишондори, чинободлик чавандоз Раимберди ота Турсунов эндиликда етти фарзанди бағрида, 27 нафар невара ва икки эвара қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Унга астойдил ҳавасим келади.

И. РАҲМОНОВ,
СССР соғлиқни сақлаш аълочиси, СССР Қуролли Кучлари ветерани.

«Қизил ўқчилар» ҳузурига

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг «СССР — менинг Ватаним» республика штаби ташаббуси билан республика ёш туристлар станцияси қошидаги тарих-ўлкашунослик тўгараги қатнашчиларининг экскурсиялар географияси тобора кенгайиб бормоқда.

Тўгарак қатнашчиларидан Тошкентдаги 105-мактаб ўқувчилари С. Умарова Р. Отабоев, Р. Ҳакимовлар ўқитувчи С. Маметова раҳбарлигида Ленининг шахсий сокчиси, кейинчалик эса ҳарбий инженер ва Улуғ Ватан уруши ветерани Эдуард Смилгин юбилейи тантаналарида қатнашишди. Улар Ригадаги латиш ўқчиларининг мемориал хотира музейига боришди. Бутун ҳаётини Ватанга хизмат қилишга бағишлаган садоқатли бу «қизил ўқчи»га ўзбек миллий совғалари инъом қилиниб, табаррук 90 ёши билан қутлашди.

Ригалик болалар қаторида тошкентлик ўқувчиларнинг ҳам тантанада яқиндан иштирок этганликлари ва ўзбек ўқувчилари латиш ўқувчиларининг ҳаёт йўлларини кўп йиллардан бери ўрганаётганликлари латвияликларда катта таассурот қолдирди.

И. ОТАЖОНОВ
СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СЎНГГИ СОАТДА

● ДАМАШҚ. Сурия пойтахтида сешанба куни рус тили ўқитувчиларининг бешинчи йиллик конференцияси очилди. Конференцияда қатнашиш учун Сурия ва Ливаннинг кўпгина шаҳарларидан ўқитувчилар, асосан, араб мамлакатларида рус тилини ўқитиш методикасини яхшилашга бағишланган 40 га яқин доклад тайёрлаб келганлар.

Рус тили Сурияда ўтган асрнинг охиридаёқ дастлаб ўқитила бошлаган эди. Сурия, Ливан ва Фаластинда 50 дан кўпроқ рус мактаби ва гимназияси очилган эди. Ҳозир рус тилига қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. СССРда бошланган қайта қуриш бу жараёнга тобора кўплаб кишиларнинг диққат-эътиборини тортиб, айни вақтда уларнинг кўпчилигини Совет Иттифоқида содир бўлаётган муҳим ўзгаришлар билан бевосита танишиш учун дарсликларни ўқишга мажбур этмоқда. Ҳозир Суриядаги 11 шаҳарда рус тили курслари очилган. Бу курсларни ҳар йили бир неча минг киши битириб чиқмоқда. Курс тингловчиларига саволлар билан мурожаат қилинганида уларнинг аксарияти Совет Иттифоқидаги воқеаларга қизиққани туфайли, рус ва совет адабиётини оригинал тилида ўқимоқчи бўлгани учун рус тилини ўрганишга киришилганлигини айтишди. Кўпгина сурияликлар Совет—Сурия иқтисодий ҳамкорлиги объектларида меҳнат қилишлари учун рус тили зарурдир, деб таъкидлайдилар.

● ИСЛОМОБОД. Покистоннинг АПП ҳукумат ахборот агентлиги хабар беришча, шу йилнинг июнь ойида Покистон ўзининг биринчи сунъий йўлдошини учиради. Хабарда, Бадр-А деб аталувчи ана шу «Эксперименталь» йўлдошнинг оғирлиги 75 килограмм бўлади ва у 300—400 километр баландликдаги ер атрофи орбитасига чиқарилади, деб таъкидланди.

Агентликнинг хабарига кўра, йўлдошни яратиш устида Покистон инженерлари ва олимлари ишладилар. Йўлдош технологик ва матеорологик экспериментлар ўтказиш учун, шунингдек айрим араб мамлакатларининг ёрдами билан янги космик технология ишлаб чиқиш юзасидан экспериментлар олиб бориш учун фойдаланилади.

● ДЕҲЛИ. Деҳли полицияси наркотик модда савдогарларининг катта бир тўдасини фош этди. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида полиция вакили Покистон чегараси районидан пойтахтга наркотик моддаларни олиб келган жиноятчилар Ғарб мамлакатларидаги наркотик моддалар савдогарлари билан яқин алоқада бўлиб, ўз товарларини ана шу мамлакатга сотганликларини айтди. Полициячилар сешанба куни ана шу жиноятчи гуруҳнинг аъзоларидан бири — Динеш Кумар деган кимсани қўлга олдилар, унинг ёнидан 9 килограмм героин чиқди. Айни вақтда Бомбейдаги халқаро аэропортда полиция Буюк Британия фуқаросини ва багажида 6 килограммга яқин афюн бўлган яна бир кишини қамоққа олди. «Индиан экспресс» газетасининг ёзишича, 1985 йилдан бўён наркотик моддалар савдосига дахлдорликда айбланиб, 4500 киши қамоққа олинган. (ТАСС, 13 январь).



Америка юристлари ташкилоти эълон қилган докладда мамлакатда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётганлигига оид мисоллар келтирилган. Айниқса, қора танли аҳоли кўпгина ҳуқуқлардан маҳрумдир. Бунга қарши мамлакатда тез-тез намойиш ва манифестациялар бўлиб турибди. Суратда: ҳиндулар қабиласига мансуб мана бу намойишчи ўз гувоҳномаси билан. Шу гувоҳномасиз уни ҳар қандай балога гирифтор қилишлари мумкин.

ТАСС фотохроникаси.

МИЛЛИЙ ЯРАШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОБУЛ, 13 январь. (ТАСС). Хост округига давлат юкларини ташиб келтириш ниҳоясига етмоқда. Бу ерга Гардез шаҳридан 14 колонна етиб келди, йўл аксилинқилобчи тўдалардан тозалангунга қадар товарлар Гардез шаҳрида турган эди. Ҳозирги вақтда Хостдан округ уездлари ва районларига озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кундалик зарур товарларни етказиб беришга киришилди.

«Хост аҳолисига ёрдам бериш тўғрисида қарор чиқаргани учун биз революцион ҳокимиятдан мамнунмиз, — деди БАХТАР агентлиги мухбири билан суҳбатда шу уездда яшовчи Тани Алишоҳ. Ислом шиорларини ниқоб қилиб олган босмачилар аслида Ислом йўл-йўриқларига қарши иш тутдилар. Улар барча мўмин-мусулмонларни кундалик зарур товарлар ва озиқ-овқат олиш имкониятидан маҳрум этдилар».

Кандохор вилоятида маҳаллий миллий яраш комиссиясининг илтимосига кўра, афғон армияси қисмлари Сарканай уезди аҳолисига жабр етказган босмачилар тўдасини тор-мор этдилар. Кўплаб қурол-яроғ ва Америкада ишлаб чиқарилган радиостанция ўлжа олинди. Ана шу вилоятдаги Аргастон уездида иш кўрган 23 кишилик гуруҳ халқ ҳокимияти томонига ўтди. Маҳаллий маъмурлар тинч тирикчиликни йўлга қўйишда уларга моддий ёрдам бердилар.

БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Покистондан Нангархор вилоятига яна неча ўнлаб собиқ қочоқлар қайтиб келдилар.

Д. ОРТЕГАнинг АЙТГАНЛАРИ

МАНАГУА, 13 январь. (ТАСС). Никарагуа халқининг фидокорона куч-ғайрати туфайли сандиночилар республикаси ўтган йили Америка агрессиясига қарши курашда мардона турди, самосочи тўдаларни стратегик жиҳатдан тор-мор этишда ўз ҳарбий муваффақиятларини мустаҳкамлади. Никарагуа президенти Даниэль Ортега «Баррикада» газетаси мухбири билан суҳбатда ана шуларни айтди.

АҚШ юбораётган ва маблағ билан таъминлаётган ёлланган тўдалар сандиночилар халқ революциясини маҳв этишга уриниб, маҳаллий аҳоли бошига кулфат солдилар, қўпорувчилик қилиб ва пистирмалар уюштириб, Никарагуага қарши жиноятлар қилишни давом эттирдилар. Аммо сўнгги вақтда ҳужумларнинг тобора активлашганига қарамай, аксилинқилобчилар миллий территориямизнинг бир қаричини ҳам қўлга кирита олмадилар, деб таъкидлади президент.

1988 йил Никарагуанинг ёлланган аксилинқилобчи тўдаларга ва Америка маъмуриятининг интервенция сиёсатига қарши кураши кучайган йил бўлади, АҚШ маъмурияти эса Марказий Америкадаги можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш қарақатидадир, деб таъкидлади Д. Ортега. Марказий Америка халқларининг можарони тинч йўл билан ҳал этиш йўлидаги куч-ғайратларига Вашингтон қарши чиқмоқда ва у Гватемала шартномалари бажарилишини барбод этиш, Никарагуага қарши жинояткорона агрессияни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда, деб уқтирди сўнгра президент.

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, ҳуқуқ бузилишларга қарши кураш соҳасида ўз фаолиятини қайта қурмоқда. Меҳнаткашларни жиноятчилик, ичкиликбозлик, текинхўрлик, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳолларга барҳам бериш учун олиб борилаётган ишлар ҳамда режалардан хабардор қилиш ва бу ишда ошкораликни таъминлаш қайта қуришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришга оид бир қанча саволларни газетхонлар эътиборига ҳавола қилар экан, Сизнинг ёрдамингизда ўз тасарруфидаги хизматлар ва бўлинмалар фаолиятини яхшилашга, мавжуд камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишга умид қилади. Ушбу саволларга Сизнинг нуқтаи назарингизга мос келадиган жавобларнинг тагига чизиб қўйинг. Таклиф ва истакларингизни алоҳида баён қилинг.

1. Сиз кейинги уч йил ичида милицияга қандай масалалар юзасидан мурожаат қилдингиз? (жиноят юз берганлиги муносабати билан, ҳуқуқбузарларга чора кўриш учун, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилдим, мурожаат қилмадим, чунки ижобий натижа чиқишига шубҳаландим).

2. Сиз қўйилган масалалар юзасидан милиция кўрган чоралардан қониқдингизми? (ҳа, асосан, қисман, қониқмадим).

3. Сизнинг фикрингизча, милиция ҳуқуқ бузилиши тўғрисидаги хабар ва аризаларга қандай акс-садо бермоқда? (оператив ўз вақтида, сансалорлик қилади, умуман эътибор бермайди).

4. Сиз милиция ходимлари томонидан салбий ҳоллар рўй берганини учратганмисиз? (қўполлик, бағритошлик, назокатсизлик, қўл кўтариш, жиноятни яшириб қолиш, шахсий бойлик орттириш). Агар дуч келган бўлсангиз, конкрет ходимларнинг исм-шарифларини айтинг.

5. Сиз участка инспекторингизни биласизми? (яхши биламан, четдан кўрганман, билмайман ва умуман кўрмаганман).

6. Агар участка инспекторингизни билсангиз, у тўғрида қандай фикрдасиз? (сезгир киши, яхши ходим, лоқайд, одамларга нисбатан бепарво, милицияда ишлаш учун тайёргарлик кўрмаган).

7. Милиция ходимлари ўз ишлари ҳақида Сиз яшаб турган жойда ва сизнинг меҳнат коллективингиз меҳнаткашлари олдида ҳисоб бериб туришадими? (ҳа, баъзан, бундай ҳисоботларни билмаймиз ва эшитмаганмиз).

8. Меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшаётган шахсларга қарши кураш етарли даражада актив олиб борилаяптими? (ҳа, жуда суст, умуман кураш олиб борилмаяпти).

9. Ичкиликбозликка, гиёҳвандликка қарши кураш натижалари тўғрисида Сизнинг фикрингиз қандай? (ижобий, унчалик эмас).

10. Сиз умуман милициянинг ишини қандай баҳолайсиз? (яхшилик сари туб ўзгариш бор, ўзгариш белгилари эндигина кўзга ташланмоқда, ижобий ўзгаришларни кўрмаяпман).

11. Милиция ишини яхшилаш юзасидан таклифларингиз (уларни алоҳида баён қилинг).

12. Касбингиз, маълумотингиз, ёшингиз. Бу саволларга жавобларни тўлдиргач, уни газетадан қирқиб олишни ҳамда таклифлар ва истакларингизни алоҳида ёзиб иккаловини қуйидаги адресга юборишингизни илтимос қиламиз: **700029, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 1-уй. ЎзССР Ички ишлар министрлиги Снёсий бўлимининг матбуот группаси.**

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни очиқчасига билдирганингиз ва ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга бўлган ҳоҳишингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ.

КАСАЛХОНА КЕНГАЙМОҚДА

● Тошкентдаги 1-юқумли касалликлар шифохонасида янги даволаш корпуси фойдаланишга топширилди. Унинг олти қаватли биносида бир, икки ва тўрт ўринли қулай палаталар, энг янги ускуналар билан жиҳозланган даволаш ва процедура кабинетлари, беморларни қабул қилиб олиш хонаси, маъмурият жойлашган.

Врачлар малакасини ошириш институти учта етакчи кафедрасининг мутахассислари машғулот ўтказишлари учун ҳам бу ерда яхши шароит яратилган. Улар учун махсус ўқув хоналари ва лекция заллари ажратилган.

(ЎзТАГ мухбири).

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА



● АЛИШЕР Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театри саҳнасида намойиш қилинаётган П. Чайковскийнинг «Ўйқудаги гўзал» балетида ёш рақоса Ойша Раҳимова етакчи роллардан бирини ижро этмоқда. Суратда: мазкур спектакльдаги Парн ролида Ойша Раҳимова. [Ўнгда], Шаҳзода ролида Ҳасан Бозоров.

● ҲАМЗА номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг репертуари яқинда қозоқ адибаси О. Жаҳонованинг «Ҳазрати аёл» драмаси билан бойинди. Уни режиссёр Р. Ҳамидов саҳналаштирди. Янги спектаклда театрнинг барча етакчи артистлари иштирок этишаяпти. Суратда: ана шу саҳна асаридан бир кўриниш.

А. Наймушин (ЎзТАГ) ва М. Назаров фотолари.

● ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ЮРТИНГ РОЗИ БЎЛСИН...

Даврон-ку неча бор айланиб ўтди,
Эврилиб турипти тўхтамай ҳамон.
Отамни тинглардим кун-кеча худди,
Букун таважжуҳим сенгадир, ўғлон!
Элнинг иззатида эгилган зотнинг
Боши юксалгувси кўк қадар, албат.
Турфа савдолари озми ҳаётнинг:
Гоҳида ҳушёрмиз, гоҳ босгай ғафлат.
Аллақандай эрмак ё «хобби»талаб —
Ёшлар гоҳ баҳс усти жазава аро
Бенаф зўриққанча қақшатганда лаб,
Мен сизни ўйлайман, эй, Деҳқон бобо!
Ҳув, бола — ўғлингиз—кенжамга
курдош

Дала-туз кезаркан меҳнатга ошно,
Дейманки, ҳаққи нон ва ҳаққи Қўёш
Зарра завол кўрманг, эй, Деҳқон бобо!
Демакки, ҳеч бир куч узолгани йўқ
Салаф занжирининг олтин ҳалқасин.
Ўғлим, тўпори бўл, майли, шаддот-шўх,
Еринг сийлаб-суйсин, элинг алқасин.
Ишқ кўкда муаллақ булут эмасдир—
Дам ўтмай фалакни тарк этган сароб.
Қай дилга қуш ишқи буюк ҳавасдир,
Ким тилло тўплайди, ким кўҳна
китоб...

Умр дарёлари оқиб турипти,
Қалбни талош айлар минг турфа ҳавас.
Доно дўстим бир кун ўғлига депти:
Хоббилар хоббиси Меҳр эрур, бас!
Кетсин ҳою ҳавас—бошингдаги дуд,—
Ориғ ютмоқ бўлган туман тарқасин.
Юртнинг меҳри чексиз, қаҳри беҳудуд,
Қаҳрига учрама, элинг алқасин.
Мен ҳикмат бобида на Афлотунман,
На бир Маҳтумқули ва на Кайковус.

Ниҳол бошидаги парвона кунман,
Навқирон сайёҳга бир йўлчи юлдуз.
Алининг қиличи йўқдир ҳеч қайда,
Тиғи-паррони бор ва лек ғанимнинг.
Ақл-ку чархланди фикрда-ўйда,
Тагига етмадим ўйлаганимнинг.
Бундан хиёл бурун ўн тўққизингда
Синаб улгурдилар сени жанггоҳлар.
Ингитлик зўри жам бўлган тизингда
«Дастхат» қолдирдилар буюк
жарроҳлар.
Афғон тупроғидан йўлланган хатлар
Битта сандиқчага жо бўлди расо.
Лашкар бўлмагандай, ўғлим, бехатар
Жанггоҳдан қайгмади қай бир дўст,
ошно.
Дўстлар қўл берсинлар, қўлласинлар,
то
Яхшилар жаҳоний сафда ёқласин.
Сен кулиб бурчингни этавер адо,
Кўзинга ёш олиб элнинг алқасин.
Ўй ичра боқардим: китобда кўзинг,
Бир олам ёғдуни йиғмишди қарор.
Демакки, китоб бу—билгандай ўзинг
Зулмат хонасида ёнган шабчароғ.
Бош узра ҳилпираб қизил туғимиз,
Тилимиз Инқилоб сўзин этгай ёд.
Инқилоб бу ахир — бору-йўғимиз,
Ватанга бахшида боқий эътиқод.
Қай кас нғво айлаб «гуноҳинг тўксин»,
Ҳақ тўнин кийганча майли, тескари,
Майлига, ёмонлар қарғасин-сўксин,
Яхшилар меҳридан бўлмагил нари...
Тушса гар дамбадам кўзингга кўзим,
Боболар шиддати-шаҳди балқисин.
Сенга дилдан айтар оталик сўзим:
Юртинг рози бўлсин, элинг алқасин!

ИНТЕРНАЦИОНАЛ

Сен офтобсан осмон бўйлаган,
Эрк деганнинг боши узра балқ.

Сен қўшиқсан жаҳон куйлаган,
Сенсан — Сўздан бунёд бўлган халқ.

Бахтингни шивирла...

Бахтингни шивирла, қалбим, шуурга,
Муждалар дуррини инга тизгил, жон.
Боболик толеин солай деб шеърга,
Юзимни шодликка бурдим бу замон.
Сен-ку бир сўз демай ётибсан, ўғлон!
Гарчи афсонавий Рустам отинг бор.
Не тонг, сени сийлаб дил ёсам шоён
Бу лаҳза мен дилдош бир сомега зор.
Бир куни жаҳоний фароғатга чиқ
Айланса не ажаб ният-матлабинг.
Бугунча излайди онанг сийнасин

Оташин сўзларга яралган лабинг.
Тиллар чиқаргайсан бир куни бийрон—
Албат, буюк Ленин сўзин дегайсан.
Севинчда-ю, ғамли онда бегумон,
Бобонг, отанг, элинг сўзин дегайсан...
Бахтингни шивирла, қалбим, шуурга,
Муждалар дуррини инга тизгил, жон.
Боболик толеин солай деб шеърга
Юзимни шодликка бурдим бу замон.

Анвар ИСРОИЛОВ.

СПОРТ

СССР ФУТБОЛЧИЛАРИ БИРИНЧИ

● В. ГРАНАТКИН соврини учун ўсмирлар ўртасида анъанавий халқаро турнир тугамасданоқ унинг ғолиби маълум бўлди. АҚШ футболчилари билан бўлган ўйинда 2:1 ҳисобида ғолиб келган СССРнинг биринчи терма командаси саккиз очко тўплаб сўнгги ўйин натижасидан қатъий назар биринчи ўринни эгаллади.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

● ФУТБОЛ бўйича Европа чемпионати финал турниридаги группаларда қатнашадиган командалар маълум бўлди. СССР футболчилари иккинчи группада Англия, Ирландия ва Голландия командалари билан учрашади. Биринчи группада эса ГФР, Италия, Дания ва Исландия командалари ўзаро беллашадилар.

Ярим финалга ҳар қайси группадан иккитадан команда чиқади. Ярим финал ўйинлари 21 июнда Гамбургда ва 22 июнда Штутгартда бўлади. Ғолиб эса 25 июнда Мюнхенда аниқланади.

Совет футболчилари дастлабки учрашувни 12 июнда Кёльнда Голландия терма командаси билан ўтказадилар. Сўнгра эса Ганноверда [15 июнь] Ирландия, 18 июнда Франкфурт-на-Майнеда Англия футболчилари билан учрашадилар.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

● УСМИРЛАР ўртасида республика иккинчи спорт ўйинлари программаси асосида мусобақалар старт олди. Биринчи бўлиб қиличбозлар беллашувларни бошлаб беришди. Областлар терма командалари сафида 157 спортчи иштирок этди.

607 очко тўплаган Тошкент шаҳар командаси мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни самарқандликлар, учинчи ўринни Тошкент области спортчилари олдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
15, 16, 17 январь соат 19.00 да
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
НУРРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар:
Дадахон ҒАНИЕВ, Зулхумор ҚОДИРОВА
Программани — Машраб НАЗАРОВ олиб боради.
Касса соат 14.00 дан ишлайди.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ШУНИНГДЕК СТУДЕНТЛАР, АСПИРАНТЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА РЕМОНТ ВА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

программалаштириш ва хусусий ЭҲМдан фойдаланиш асосларидан (группали ва якка тартибдаги таълим) таълим курсини ўтиш;

ПЭВМда программалаштириш воситалари бўлган ҳисоблаш техникасини қўлланиш юзасидан малакали консультациялар олиш;

ПЭВМда қизиқарли программаларни (ўйин, ўқув амалий ва ҳоказо машқлар) ўрганиш;

ПЭВМда машина вақтини ижарага олиш;

Ўйин залида компьютер билан шашка, шахмат, денгиз жанги ва бошқа ўйинлар юзасидан мусобақалашиш учун барча ҳоҳловчиларни таклиф этади.

Информатика маркази ПЭВМда ишлаб чиқиш, реализация қилиш, программавий воситаларни ижарага олиш; рўзғор компьютерларини ишга тушириш, ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш юзасидан буюртмалар қабул қилади.

Информатика маркази, чунончи ЭҲМ СМ 1420 машина вақтини ҳам ижарага беради.

Ҳамма хизмат учун ҳақ прейскурантга биноан нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бизнинг адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй. Телефон 78-14-18.

«ЭЛИКОН АВТОФОКУС»

СУРАТГА ОЛИШМИ? «ЭЛИКОН-АВТОФОКУС» МАРКАЛИ ФОТОАППАРАТИНГИЗ БЎЛСА, БУ ЖАРАЁН ЖУДА ОДДИЙ КЕЧАДИ.

Фақат пленканинг ёруғлик сезгишини тўғрилаб, яхши кўринишни топинг ва ишга тушириш тугмасини боссангиз бас.

Қолган барча хизматлар — равшанликни бошқариш, экспозицияни ишлашни «Эликон-автофокус» автоматик холда ўзи бажаради. Агар суратга олиш объекти қониқарли ёритилмаса, аппарат автовспишка қурилмасини тўхтатиш ҳақида хабар беради.

Тажрибали фотоҳаваскорлар бу аппаратнинг яна бир афзаллиги — қўлланадиган светофильтр қайтарилишини автоматик ҳисобга олади.

«Эликон-автофокус» фотоаппарати — дастлабки суратларданоқ муваффақият гаровидир.

Баҳоси — 139 сўм.
БелОМО.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги давлат комитетининг собиқ «Промгражданстрой» трестига қарашли 7-ПМК ВА УПТКЛАР ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида «Ташкентводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-ПМК ва УПТК да қабул қилинади.

ОИЛА ҲАҚИДА ВА ОИЛА УЧУН

В. И. ЛЕНИН номли Совет болалар фондининг нашри — ҳафталик янги газета «Семья» («Оила»)нинг биринчи сони босмадан чиқди. ТАСС мухбири янги нашр ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилиб ҳафталикнинг бош редактори, ёзувчи Сергей АБРАМОВга мурожаат этди.

— Жавоб бериш жуда осон, — деди С. А. Абрамов. — биринчи сонга назар ташласангиз, ҳамма нарса равшан бўлади—кўяди. Ҳамма нарса—ўқувчига, газетхонга боғлиқ. У эртага, индинга, бир йилдан кейин, орадан ўн йил ўтганидан сўнг газета қандай бўлишини хоҳласа, нашр ҳам шундай бўлади.

Хўш, ҳафталик нега нашр этилмоқда? Бу савол ўринли бўлур эди.

Биз узоқ йиллар мобайнида, ҳам ўз кўнглимиздаги, ҳам ўзгалар дилидаги «Оила» тушунчасини сийқалаштириб юбордик. Енгилтаклик билан эркак-аёл зиммасига ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган «беш кунлик» никоҳлар қайд этилди. Шоша-пиша, ўйлаб-нетиб ўтирмай йигит-қизлар бир-бирларига «талоқ хатлари»ни тутқизаверишди. Хотин-қизлар оилада, жамиятда, ишда тенг бўламиз деб жонларини шу қадар жабборга бериб, уринишдики, оқибатда хонадонга, оилага қараш учун на отанинг, на онанинг вақти қолди. Ажраб кетаётган оилаларнинг кўплигига, туғруқхонларга ташлаб кетилган, интернат ва болалар уйларида тарбияланаётган тирик етимларнинг кўпайиб бораётганлигига, гоҳо отасидан, гоҳо онасидан ажраб қолаётган оилаларнинг сон-саноғи йўқлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Агар шу хусусдаги рақамларни кўздан кечирсангиз, юрагингиз орқага тортиб кетади!

Фондининг таъсис конференциясида ёзувчи Альберт Лиханов қилган докладда ҳам ана шу рақамлар тилга олинган эди: биз мазкур докладни биринчи сонда тўлалигича эълон қилдик. Докладда бундай гаплар бор. Жамоатчилик диққат-эътиборини, оғриқ-шуурини болаларнинг аҳволига, хонадон ва оила аҳволига қаратишга аллақачон фурсат етган. Ахир оила ўн йиллар мобайнида бора-бора обрў-нуфузидан ажраб қолдику, унга шу обрўни қайтариш лозим, «Оила — халқ-инсоният» деб аталмиш мустаҳкам диалектик силсиланинг биринчи бўғинидир. Агар шу силсиладан биринчи бўғин тушиб қолгудек бўлса, фалокат рўй беради...

ОММАБОП НАШР

Бирон-бир газета ҳам, бирон-бир журнал ҳам сиёсат ва экономикада, ахлоқ-одобда ҳеч қандай ўзгариш қилишга қодир эмас, албатта. «Юқоридан» буйруқ бериб ҳам, бу ишни қилиб бўлмайди. Фақат одамларнинг ўзи, халқнинг ўзи бирон нарсани ёки ўз тақдирини ўзгартириши мумкин. Адабиёт, санъат, журналистика айни ана шундай ёрдам бериши: эътиборни қаратиши, ўйлашга мажбур этиши, дадил қадам қўйишга даъват этиши лозим.

Бу ишни қай йўсинда бажариш бизнинг вазифамиздир. Бу сизнинг ҳам, газетхоннинг ҳам вазифасидир. Биз ўқувчилардан жуда умидворсиз: мактублар, маслаҳатлар, таклифлар, айрим одамларнинг қисмати, конкрет муаммолар, уй-ташвишлари ҳақида ёзишларини кутмоқдамиз.

Ҳафталикнинг ҳар бир сонида газетхонлар хатлари босиб чиқарилади. Ҳафталикнинг ҳар бир сонида рўйрост ёзилган ниҳоятда ўткир, муаммоли очерклар, мақолалар ва репортажлар босилади. Биз кўп йиллардан бери «Болалар — имтиёзли синф», «Оила — жамиятнинг ячейкаси» ва ҳоказо деб бир-биримизнинг қулоғимизни гаранг қилиб келавердик. Бор гапни, ҳақиқатни айтадиган вақт келди. гап-сўзлардан амалий ишга ўтиш керак.

Сиз «Семья»да олимлар, социологлар; психологлар, иқтисодчилар, юристлар ва шифокорларнинг, педагоглар ва ёзувчиларнинг, давлат арбоблари ва санъат арбобларининг мақолаларини, оналар ва оталар, бувилар, боболар, ўғиллар ва қизларнинг оила тўғрисидаги ва оилани деб ёзган дил сўзларини ҳам ўқийсиз.

Биз педагогика, маданият, адабиёт тарихига оид архив материалларини, повестлар, ҳикоялар ва хотираларни эълон қилмоқчимиз. Ҳафталикда «Хонадон фариштаси» ҳам бўлади, газетамиз юмор саҳифаларини ҳам чиқаради. Газетамизда «Газетача» ҳам очилади, бу болалар, кичкинтойларга аталган саҳифалар бўлиб, бу ерда шеърлар, эртаклар, қувноқ повестлар, ҳикоялар, турли ўйинлар эълон қилинади. Бу «газетача» бувилар ва боболарга қўл келади, деб ўйлаб турибмиз, улар шўҳлик қилаётган ўз набираларини кресло ёки диванга ўтқазиб қўйишиб, шу саҳифаларни ўқиб беришар, болалар билан бирга ўйлашар ва ўйнашар...

Хуллас, «Оила» саҳифаларида кўп нарсаларни ўқиш мумкин. Режалар ҳам анчагина. Шуни яна такрор айтишни истар эдимки, Газетамиз улуғ мамлакатимиздаги етмиш миллион оиланинг аъзолари учун чиқарилмоқда. Биз уларнинг фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатларини кутмоқдамиз.

МЕДИЦИНА МАВЗУИДА

МАГНИТ ДАРДНИ ТОРТИБ ОЛАДИ

Айтишларига қараганда «Магнит» сўзи — атрофида катта темир қатламлари ястаниб ётган «Магнезия» (Лидия) сўзидан олинган. Фақат XII асрдагина сунъий пўлат магнитлар ва уларнинг хусусиятлари қақидаги маълумотлар Европага араблар орқали етиб келган. XVIII асрнинг охирида эса шифокор Ф. Месмернинг «Жонли магнитизм» тўғрисидаги таълимотидан кенг фойдаланила бошланди. Францияда бу таълимот тезда ёйилган эди. Врач магнит фақат темирни эмас, одам танасидан дардни ҳам тортиб олиш хусусиятига эга, деган хулосага келган. Месмер ўзининг «магнитдек тортиш қудратига» эга эканлигини билиб беморларни даволарди. Агар унинг ҳузурига келувчилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, доктор темир таёқчалар солинган, сув тўлдирилган жомдан фойдаланарди. Темирларга тананинг маълум бир қисми тегиши билан магнит таъсир қилиши кузатилган. Баъзи пайтларда муолажалар муваффақиятли чиққан. Ҳар ҳолда мускуллари тортишиб, акашай бўлиб қолган беморларнинг анчагинаси шу тарзда дардан холи бўлган. «Жонли магнитизм»ни анализ қилиш учун Париж факультети ва Фанлар академиясидан ҳамда қиролликка тегишли врачлар жамияти вакилларидан иборат иккита комиссия тузилган. Комиссиялар бирдан кутилмаган хулосага: даволашнинг самараси Месмернинг ўзидаги ажойиб қобилиятга боғлиқ бўлиб қолмоқда деган хулосага келишди. Ҳозирги замон тили билан айтганда унда гипнозчи таланти борлиги ёки унинг заиф магнит майдонини нурлантира олувчи экстрасенс хусусиятга эгалиги маълум бўлиб қолди.

Қадимги Хитой олими Ван Вей — И 1072 йилда одамнинг бронзадан ясалган иккита ҳайкалчасида ўша вақтда маълум бўлган 600 та нуқтани акс эттириш ва бу нуқталар ҳар бирининг қаерга жойлашуви, организмнинг қайси жойини даволашга хизмат қилишини батафсил шарҳлашни таклиф қилган эди. Ҳайкалчалар игна билан даволаш мактаби учун яхшигина қўлланма бўлишдан ташқари металлда кўпсонли тери зоналари топографиясини сақловчи ажойиб ёдгорлик ҳам бўлган.

Қадимги Хитой ва Шарқда металл игналар ёрдамида даволашни амалга ошириш ҳолда даволовчилар металлнинг хусусиятини аслида билмаганлар. Европада эса металл игнага алоҳида эътибор беришган. Масалан, олтин игна — қўзғатувчи, кумуш игна-тўхтатувчи, пўлат игна—ҳар иккисининг оралиғидаги ҳолатда таъсир этувчи хусусиятга эга бўлган. Совет игнатерапевтларининг тадқиқотлари даволашда игнанинг қайси металлдан ясалганлиги аҳамиятсиз, балки биологик активнуқтага кўрсатилган таъсир муҳим эканлигини яққол кўрсатди.

Кейинги йилларда турли касалликларни даволашда аппаратлар, тангасимон, билакузук, белбоғ формасида ёки бошқа формаларда тайёрланган ҳар хил ферромагнитлар кенг қўлланилмоқда. Улар орқали электродлар баданга ўтиб, бемор танасидаги маълум зонага таъсир кўрсатади. Уларни қўйишда рефлекс терапиянинг активнуқталари ҳисобга олинмайди. Биз бир томондан магнитли терапия, иккинчи томондан игна терапиянинг ривожланишини ҳисобга олиб уларни биргаликда қўллаш ҳам фойдали деган фикрга келдик. Шу зайлда магнит майдонининг пўлат игна орқали биологик актив нуқтага доимий, ўзгарувчан, импульс, осон бошқариладиган тарзда таъсир этишини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бугун фан йўлидаги ана шу мақсадга эришдик, деб бемалол айта оламиз.

Ўзбек олимлари айни магнит терапиясининг худди шундай қурилмасини яратдилар. Жаҳон медицина практикасида биринчи бор. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти профессори Н. М. Мажидов раҳбарлигида Магнитоакупунктура деб номланган рефлектор-пунктура терапиянинг янги методи тадқиқ этилиб, клиник қўллашга жорий қилинди.

Магнитоакупунктура аппарати (МАП) тўқималар орасига магнит майдони орқали даволаш таъсирини кучайтиришда қўлланилади. Бу аппарат оғриқни тез қолдириши билан алоҳида эътиборга сазовор. Асаб-мускул системалари, қон айланишининг функционал ҳолатини яхшилайди, мускулларни тўрайтириш қобиليятига ҳам эга. Оғриқ берадиган асаб системаларини, ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи хасталиклар ҳамда нейромиозит, неврит, неврологияни даволашда, мускулларни жонлантиришда бу аппарат жуда қулайдир. Аппаратнинг игнасимон тиғлари оралиғида қўзғатувчи таъсирнинг йўқлиги бу магнит майдонларидан болаларни даволашда ҳам кенг фойдаланиш имконини очди.

Шундай қилиб, магнит инсон танасидаги жуда кўп дардларни тортиб олишга хизмат қила бошлади.

Ф. БОҚИЕВ,
Л. ЗОКИРОВ,
илмий ходимлар.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Кутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/I да **Тоҳир ва Зуҳра.**

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда амалий математика ва механика факультети коллективи шу факультетнинг илмий ходими Л. Йўлдошевга онаси **Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32